



28
(1450)-son
14-avgust
2020

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

www.xabar.uz

УШБУ СОҢДА:

**"ХАВФСИЗ
ШАҲАР" ЛОЙИҲАСИ:**
Ҳаммаси режадагидек **3-бет**

IT-ПАРК:
Ҳаёт тарзини яхшилаш учун
бот ишга туширилди **4-бет**

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА
Почта иши олға
силжийверсин **5-бет**

**ЭЛЕКТРОННЫЙ
ДОКУМЕНТОБОРОТ**
UZEX запустила сервис
электронного
документооборота **6-бет**

МУНОСАБАТ
Уят - луғатимиздан ўчса-да,
қалбимиздан ўчмасин **8-бет**

"ТЕМИР ДАФТАР"
Барана қаерда бўлади? **10-бет**

АЛОҚА ОЛАМИДА
2020 йилнинг энг бой
ТИКТОК блогерлари эълон
қилинди **12-бет**

ТИКТОКДА ЭНГ ОММАЛАШГАН Йўналишлар

(Рейтинг ҳештеглар томоша
қилинишига қараб тузилган)

1. Кўнглиочар мавзулар — 443,3 млрд. марта томоша қилинган.
2. Рақслар — 150,3 млрд.
3. Практлар — 54,9 млрд.
4. Фитнес ва спорт — 43,3 млрд.
5. "Ўзинг яса" ва уйда таъмирлаш — 28,6 млрд.
6. Гузаллик — 21,8 млрд.
7. Мода — 17,5 млрд.
8. Пазандаллик — 12,9 млрд.
9. Лайфхаклар — 8,3 млрд.
10. Ҳайвонот олами — 7,5 млрд.



Манба: Visual CMM

Шухрат Содиқов: "ЯҚИН ЙИЛЛАРДА БИЗНЕС ЮРИТИШ МУҲИТИ БЎЙИЧА ДУНЁНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ЭЛЛИК ДАВЛАТИ САФИГА КИРАМИЗ, ДЕГАН УМИДДАМАН"



Бугунги кунда рақамли технологияларни кенг жорий этиш давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳа ривожланишига хизмат қилиши одамлар турмушини кескин яхшилаши мумкинлигини ўтган қисқа фурсат кўрсатиб берди. Бу борада АКТ вазирлиги томонидан сўнгги икки йил ичида бир қатор йўналишларда комплекс ишлар олиб борилди.

»» 2-3

ВЕБИНАР

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК ХОДИМЛАРИ УЧУН ВЕБИНАР ЎТКАЗИЛДИ


Яқинда Inversion Technologies SA ва Juniper Networks компаниялари билан ҳамкорликда "SD-WAN тармоқ ечимлари" мавзуси бўйича вебинар ташкиллаштирилди.

Ушбу вебинар Circuit платформаси орқали ўтказилиб, унда компания филиалларидан тегишли муҳандис-техник ходимлар ишдан ажралмаган ҳамда карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда иштирок этишди.

Тасдиқланган вебинар дастурига мувофиқ "SD-WAN тармоқ ечимлари"

мавзуси бўйича маъруза билан иштирок этган Juniper савдо муҳандиси Валерий Ястребов томонидан ушбу технологиядан фойдаланиш маълумотлари узатиш каналларидан жиддий тежаши, алоқа сифатига таъсир этмаган ҳолда узоқдаги янги филиалларни ташкилотнинг умумий тармоғига интеграциялашувини тезлаштириш имкониятлари каби маълумотлар берилди.

Вебинар сермазун ва қизиқарли тарзда ўтказилди ҳамда иштирокчиларнинг мавзуларга доир қизиқтирган саволларига Валерий Ястребов томони-



дан атрофлича жавоблар берилиб, компания ходимларининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билимлари ҳамда касбий билим ва кўникмаларини янада оширишга эришилди.

2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan
Jumagacha

Президент Шавкат Мирзиёев 6 август куни жорий йилда олий таълим муассасаларига қабулни ташкил қилиш ва 2020/2021 ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда давлатимиз раҳбари ректорлар билан мулоқотда бўлиб, улар айтган муаммоларни ҳал этиш ва тақлифларини амалга ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида 10 август куни мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 август куни Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари Александр Лукашенкони бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли галабаси билан табриқлаб, унга Беларуснинг барқарор тараққиёти ва раванқини таъминлаш йўлида янги зафарлар тилади. Икки томонлама муносабатлар кун тартибидаги ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасидаги анъанавий яқин ҳамкорликка доир долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 12 август – Халқаро ёшлар куни муносабати билан ўз ишини бошлаган “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми иштирокчиларига табрик йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 август куни ҳудудларда саноатни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Имом Мотуридид халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Қамбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар эълон қилинди.

Шухрат Содиқов: "ЯҚИН ЙИЛЛАРДА БИЗНЕС ЮРИТИШ МУҲИТИ БЎЙИЧА ДУНЁНИНГ ЭНГ ИЛГОР ЭЛЛИК ДАВЛАТИ САФИГА КИРАМИЗ, ДЕГАН УМИДДАМАН"



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқовнинг 12 август куни “Янги Ўзбекистон” газетасининг 151-сонида чоп этилган “Тараққиётга элтувчи энг қисқа йўл” сарлавҳали мақоласида ана шулар ҳақида сўз боради.

Мақоланинг газетадан олинган тўлиқ матнини куйида эътиборингизга ҳавола этамиз.

Тараққиётга элтувчи энг қисқа йўл

Ўзбекистон бугун кенг қамровли ишловлар натижасида ривожланган кучли давлатлар қаторидан ўрин олишни асосий мақсад қилган. Президентимиз парламентга Мурожаатномасида тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ҳамда замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарур ва шартлиги, бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини бериши, зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бораётганига алоҳида эътибор қаратди. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш зарурий инфратузилма, кўп маблаг ва меҳнат ресурсларини талаб этиши, бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришимиз зарурлиги, шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси энг устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолиши таъкидланди. Чунки рақамли технологиялар маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортқича харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, энг оғир иллатлардан бири - коррупция балосини йўқотишда ҳам самарали восита бўлиб хизмат қилади.

2020 йилнинг Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилинган ҳамда шу бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилган

ни ҳам юқоридаги устувор йўналишлар рўйида салмоқли рол ўйнамоқда. Чунки, рақамли иқтисодиётга ўтиш вазифаси қатъий мақсад сифатида белгилаб қўйилгани нафақат халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан қизғин кутуб олинди, балки бугунги пандемия даврида ҳам ниҳоятда рационал қарор бўлганини кўрсатмоқда. Шундай экан, яқин йилларда бизнес юритиш муҳити бўйича дунёнинг энг илгор эллик давлати сафига кирсак, ажабмас.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш энг устувор мақсадимиз бўлиши баробарида бевосита илм-маърифатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, бугунги тезкор замонда рақамли иқтисодиёт илгор давлатлар иқтисодиётининг барча тармоқларида кенг жорий этилмоқда. Ҳатто, айрим мамлакатлар сунъий интеллектдан фол фойдаланишга ўтганига гувоҳ бўляпмиз.

Нуфузли халқаро ташкилотлар таҳлиллари натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоиз ошириш, шунинг баробарида, хуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш ва коррупцияни кескин камайтириш имконини тақдим этади. Кўриниб турибдики, мазкур соҳа юртимизда барча тармоқларнинг юксак ривожига жиддий туртки бўлади, инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади.

Харажатлар стратегиясини Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлашда энг устувор вазифаларидан бири сифатида ижтимоий соҳа объектлари, умумтаълим мактабларини 80 фоиз, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини йил охиригача 100 фоиз тезкор интернетга улаш вазифаси қўйилди.

Бу, ўз навбатида, ёш авлоднинг замонавий билим олиши, беморларга си-

фатли ва тезкор хизмат кўрсатиш салоҳиятини ошириши билан аҳамиятлидир.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда интернет тармоғига кенг полосали улашиш учун 490 мингта порт ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 2,5 миллионга етказилди. Бундан ташқари, 9 минг километрга яқин оптик толали алоқа линиялари тортилди.

Маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти вилоят марказлари даражасида 2 баробар, туман марказлари даражасида эса 4 баробар ошди. Хизмат миқёсини кенгайтириш мақсадида 1375та мобил алоқа база станцияси ўрнатилиб, уларнинг сони 27,4 мингтага етказилди ва аҳоли масканларида унинг қамрови 97 фоизга ҳамда юқори тезликдаги йўналиши 78 фоизга етказилди. Аҳолининг кенг полосали мобил хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида “Ўзбектелеком” АК “Ўзмобиайл” филиали томонидан мавжуд 1000дан ортқ база станцияси модернизация қилинди.

Жиззах эркин иқтисодий зонасида жанубий корейлик ҳамкорлар билан биргаликда қиймати 11 миллион долларга тенг, йиллик қуввати 50 минг километр оптик толали кабел маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод ишга туширилди.

Бугунги кунга қадар телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ишлари асосида мавжуд 19 341та ижтимоий соҳа объектдан 60 фоизи, жумладан, халқ таълими объектларининг 5659 тасида (56 фоиз), мактабгача таълим муассасаларининг 3723тасида (65 фоиз) ва соғлиқни сақлаш объектларининг 2213тасида (63 фоиз) оптик толали алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланишга имконият яратилди.

Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида йил якунига қадар 153,7 миллион доллар қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган. Шу кунга қадар, асосан, телефон хизматларини кўрсатувчи 2G мобил тармоқларни кенгайтириш вазифаси бажарилган бўлса, ҳозир тармоқнинг қамровини ошириш бўйича лойиҳалар 3G/4G тармоқларини кенгайтиришга йўналтирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида 2200та 3G/4G база станциясини ўрнатиш режалаштирилган. Қолаверса, телекоммуникация хизматлари учун тариф нархлари арзонлашмоқда. 2019 йил давомида провайдер ва операторлар учун ташқи каналга улашиш тарифлари нархи 1 Мбит/с. учун 17 фоизга, 2020 йилнинг 1 январидан оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун тариф ўтган йилнинг шу давридаги ҳисбатан 34 фоиз арзонлаштирилди.

Мамлакатимизда АКТ соҳасидаги энг илгор технология ишланмаларни жорий этишга катта эътибор қаратилади. 2019

йил сентябрдан иккита маҳаллий мобил оператори — "UZMOBILE" ва "Ucell" 5G технологиясини тест синовидадан ўткази бошлагани шундан далолат беради.

Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон платформа орқали амалга ошириш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни таклиф этиши рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ана шу мақсадда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (<https://my.gov.uz>) ишлаб турибди. Бугунги кунда ушбу портал орқали 200 турдан ортиқ электрон давлат хизматлари тақдим этиб келинмоқда. Улар буйича йил бошидан бери 1,4 миллионга ариза келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоиз ошди. Йил якунига қадар умумий хизматлар тури 230тадан ошади. Жумладан, кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш, иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотнома олиш хизматлари жорий қилиниши ҳамда архитектура-режалаштириш топширигини олиш, кадастр паспортини рўйхатдан ўтказиш, ипотека кредитлари буйича давлат субсидиясини олиш хизматларининг такомиллаштирилиши режалаштирилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари изчил ривожланишининг муҳим омилларидан яна бири соҳада рақобатбардор маҳсулотлар ва хизматларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмаларни рағбатлантиришдир.

Айнан мана шу мақсадни кўзлаб барпо этилган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг резидентлари ҳисобланган 400 ташкилотда бугун тўрт минг нафардан ортиқ мутахассис фаолият юритмоқда. Энг муҳими, ушбу ташкилотларнинг 14таси хорижий капитал иштирокида ташкил этилган бўлса, 54таси янги очилган.

Йил бошидан бери IT-Park резидентлари томонидан 560дан ортиқ янги иш ўрни яратилди, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми 346,2 млрд. сўм, хусусан, экспорт ҳажми 6,1 миллион долларни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида IT-Park резидентлари сонини кўпайтириш ва етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида умумий майдони 408 минг квадрат метрга тенг ҳудудда хориждан жалб қилинган эксперт билан ҳамкорликда IT-Park инфрақурилиши объектларини қуриш концепцияси ишлаб чиқилиб, қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. IT-Parkнинг ҳудудий филиалларини ташкил этиш буйича жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар билан кўшма қарорлар имзоланиб, ҳар бир лойиҳа буйича бажариладиган вазифаларнинг тармоқ жадваллари тасдиқланди.

IT-Parkнинг ҳудудий филиаллари бинолари Андижон ("Digital City" технопарки), Фарғона (IT-Parkнинг Марғилон филиали), Сирдарё (IT-Parkнинг Гулистон филиали) вилоятларида фойдаланишга топширилиб, Андижон филиалида 10та ва Марғилон филиалида 7та резидент фаолият юритмоқда. Шунингдек, Наманган, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Жиззах, Бухоро шаҳарларида IT-Park филиаллари би-

ноларини қуриш буйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Рақамли технологияларнинг энг катта ютуғи ташкилий, молиявий харажатларни тежаш орқали иқтисодий самарадорликни кескин равишда ошириш имкониятидир. Ҳозир рақамли технологиялардан турли соҳа ва тармоқларда кенг фойдаланилмоқда. Юртимиз учун энг долзарб бўлган шундай соҳалардан бири қишлоқ хўжалигидир. Мазкур соҳада ҳозирги пайтда катта ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ҳозирги кунда хорижий компанияларнинг ерни масофадан зондлаш йўлдошлари олган космик суратларни республикамиз ҳудудида қабул қилиш ва уларга ишлов бериш учун геоахборот марказини ташкил этиш лойиҳаси буйича таклифлар ўрганилмоқда. Мазкур лойиҳа геоахборот технологияларини трансфер қилиш ва маҳаллий мутахассисларни халқаро даражада тайёрлашни ҳам қамраб олади. Бунинг натижасида космик суратларни қабул қилиш ҳамда уларга ишлов бериш орқали геодезия, картография ва кадастр йўналишлари, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш ишлари самарадорлиги таъминланади.

Андижон шаҳрида яқинда очилган IT-Park филиали - "Digital City"да "Monterra" номли пилот лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг мақсади сунъий интеллект технологиялари ёрдамида қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ҳолатини (сунъий йўлдош тасвирлари таҳлили натижасида аниқлаш орқали) объектив баҳолаш ҳисобланади.

21 июл куни Президентимиз ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари буйича йиғилиш ўтказганди. Унда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги олдига ҳам бир қатор вазифалар кўйилди. Жумладан, йиғилишда кадастр идоралари зиммасига ернинг ҳисоби ва балансини юритиш, йил якунига қадар ер тури, контури, чегараси ва фойдаланувчиси ҳақидаги маълумотлар жамланган ахборот тизимини ишга тушириш вазифаси юкланди.

Энди ер ажратиш тўғрисидаги қарор мазкур тизимга киритилсагина ҳақиқий ҳисобланади. Шунингдек, сунъий йўлдош каналларини ижарага олиш ва сигналларни қайта ишлаш тизимини ташкил этишга кўрсатма берилди. Бу эса космосуратларни йиллар буйича таққослаш орқали ҳосилдорликни таҳлил қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини мунтазам ўрганишда қўл келади.

Йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги майдонларини электрон танлов ва аукцион асосида ажратиш тартибини жорий қилиш, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда ер тоифаларини оптималлаштириш борасидаги ишлар ўз вақтида бажарилишида вазирлигимиз бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб боради.

Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши, шубҳасиз, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, замонавий тарққўётнинг янги қирраларини ўзлаштиришга хизмат қилади.

Шухрат СОДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири



“ХАВФСИЗ ШАҲАР” ЛОЙИҲАСИ: ҲАММАСИ РЕЖАДАГИДЕК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори (2017 йил 29 август, ПҚ-3245-сон)га мувофиқ, 2019-2023 йилларда “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш буйича босқичма-босқич чора-тадбирлар ва ягона технологик ёндашувни ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори (2018 йил 7 май, 343-сон)га мувофиқ “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасининг техник ҳужжатлари (Концепция, Бош техник топшириқ, Техник иқтисодий ҳисоб) Халқаро консалтинг компанияси (“PWC”) экспертлар гуруҳи билан биргаликда тегишли идоралар ва вазирликлар иштирокида ишлаб чиқилди.

Биринчи босқичда 2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасининг ягона технологик платформасини яратиш буйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шу асосда Тошкент шаҳридаги барча қисқа рақамли тезкор навбатчилик — 101, 102, 103, 104, 1050, 1055 хизматлари Ягона вазиятлар марказига жамланади ҳамда умумий 112-навбатчилик хизмати доирасида фаолият ташкил этилади. Бунинг натижасида, фавқулодда вазиятлар хизматларининг фаолиятини мувофиқлаштиришининг самарали механизми жорий этилади. Тошкент шаҳрида “112” Ягона диспетчерлик хизматида жорий этиш буйи-

ча Техник топшириқ ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда Тошкент вилоятида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаси буйича 11,328 млн. евролик шартнома имзоланиб, 2020 йил 1 июл ҳолатига 4,1 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Мазкур лойиҳа доирасида Тошкент вилояти ҳамда Фарғона водийсида 19 та “Nexia-3” русумли автотранспортга мобил комплекс ускуналари ўрнатилиб, ишга туширилган.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида “Хавфсиз шаҳар” сайёр лойиҳаси доирасида жами 142та ижтимоий соҳа объекти ва аҳоли гавжум жойларда жами 898 дона интеллектуал видеокузатув тизими қурилмаси ўрнатилиб, ишга туширилди.

Тошкент шаҳрида “Хавфсиз шаҳар” тизимини жорий этиш лойиҳаси буйича бир нечта компанияларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилишини фото-видео қайд этиш буйича берган таклифлари ва техник ечимларидан ҳамкор компанияни танлаб олиш ишлари амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани “Чорвоқ” эркин туристик зонасида “Хавфсиз туризм” лойиҳасини амалга ошириш буйича 146та ижтимоий объектга 500дан ортиқ видеокузатув камераси, радар ва ноқонуний автотураргоҳни аниқлаш ускунаси ҳамда асосий чорраҳаларда фото-видео қайд этиш қурилмаларини ўрнатиш юзасидан лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида “Чорвоқ” эркин туристик зонасида оптик толали алоқа линияларини қуриш, видеокузатув тизими қурилмаларини монтаж қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини фото-видео қайд этиш тизими қурилмаларини etkazиб бериш ва ўрнатиш ишлари бажарилмоқда.

4 | СЕНАТДА



АКТ ВАЗИРИ СЕНАТОРЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси доирасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов сенаторлар томонидан берилган саволларга жавоб бериб, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтди.

Таъкидланишича, Ўзбекистон Президентининг фармони (2020 йил 2 март, ПФ-5953-сон) билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини ташкил этиш мақсадида вазирликнинг тармоқ дастури ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Шу муносабат билан бугунги кунда вазирликнинг 2020 йилдаги энг устувор вазифаларидан бири, ижтимоий соҳа объеклари — умумтаълим мактабларини 70 фоиз, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини йил охиригача 100 фоиз тезкор интернетга улаш вазифалари турибди.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида йирик лойиҳалар амалга ошириляпти. Бугунги кунда интернетга кенг поласали улашиш бўйича 490 мингта порт ўрнатилди, портларнинг умумий сони 2,5 миллионга етказилган.

9 минг километрга яқин оптик толали алоқа линиялари қурилиб, оптик алоқа линиялари кенгайтирилмоқда.

Маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти вилоят марказлари даражасида икки бараварга, туман марказлари даражасида тўрт бараварга оширилган.

Мобил алоқа қамровини кенгайтириш мақсадида 1 375та мобил алоқа база станци-

яси ўрнатилиб, уларнинг жами сони 27,4 мингтага етказилди ва аҳоли масканларида мобил алоқа қамрови 97 фоизни, юқори тезликдаги мобил интернет қамрови 78 фоизни ташкил этди.

Аҳолининг кенг поласали мобил интернет хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида "Ўзбектелеком" АК "Ўзмобиайл" филиали томонидан мавжуд 1 000дан ортиқ база станциялари кенг поласали технологиялар асосида модернизация қилинган.

Жиззах эркин иқтисодий зонасида жанубий корейлик ҳамкорлар билан биргаликда лойиҳа қиймати 11 миллион долларлик, йиллик қуввати 50 минг километр оптик толали кабел маъсулотларини ишлаб чиқариш заводи ишга туширилган.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ишлари асосида бугунги кунга қадар 19 341та ижтимоий соҳа объектидан 11 595тасида (60 фоиз), жумладан, халқ таълими объектиларининг 5 659тасида (56 фоиз), мактабгача таълим муассасаларининг 3 723 тасида (65 фоиз) ва соғлиқни сақлаш объектиларининг 2 213тасида (63 фоиз) оптик толали алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида йил якунига қадар 153,7 миллион доллар миқдо-

ридаги лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган.

Бугунги кунда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан контакtsiz алоқа шакллари янада такомиллаштириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали (<https://my.gov.uz>) жорий этилган. Бугунги кунда Ягона портал орқали 200дан ортиқ электрон давлат хизматлари тақдим этиб келинмоқда.

Ушбу хизматлар бўйича йил бошидан бери 1,4 миллионга ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоизга кўп ариза келиб тушган.

Ягона порталда жорий қилинадиган ва такомиллаштириладиган оммабоп давлат хизматлари рўйхати тасдиқланган бўлиб, уларни амалга ошириш натижасида йил якунига қадар умумий хизматлар сони 230тадан ошади.

Жумладан, кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш, иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотнома олиш хизматлари жорий қилиниши ҳамда архитектура-режалаштириш топширигини олиш, кадастр паспортини рўйхатдан ўтказиш, ипотека кредитлари бўйича давлат субсидиясини олиш хизматларининг такомиллаштирилиши режалаштирилган.

ХАБАРЛАР

IT-Парк томонидан аҳоли ҳаёт тарзини яхшилаш учун бот ишга туширилди

Дастурий маъсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Парк) томонидан аҳоли ҳаёт тарзини яхшилаш учун махсус чат-ботни ишга туширди.

Унда фойдаланувчилар юз берган ноқулай вазиятлар ҳақида ёзишлари ҳамда мазкур муаммоларни ечиш мақсадида услубларни, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга ва турли соҳаларга рақамли технологияларни жорий этишга қаратилган бизнес ғояларни таклиф қилишлари мумкин.

Чат-ботда турли соҳалар бўйича таклифлар қабул қилинади, жумладан:

- Банк соҳаси;
- Қурилиш соҳаси;
- Транспорт соҳаси;
- Геология, минерал манбалар соҳаси;
- Соғлиқни сақлаш соҳаси;
- Ер ресурслари, геодезия, картография, давлат кадастри соҳаси;
- Таълим соҳаси;
- Қишлоқ хўжалиги соҳаси;
- Энергетика соҳаси.

Ижтимоий тармоқлардаги реклама учун даромад солиғи ундирилади

Давлат солиқ қўмитаси хабарига кўра ижтимоий тармоқларда реклама фаолияти билан шугулланаётган ва индивидуал тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган шахслар 12 фоиз миқдоридан даромад солиғини тўлайди (2020 йил 1 июлгача олган даромади бўйича).

Бунинг учун доимий яшаш жойи бўйича солиқ органига ҳисобот даврдан келгуси йилнинг 1 апрел кунигача умумий йиллик даромади тўғрисида декларацияни топшириш керак.

Шу билан бирга ўзини ўзи банд қилган ва ижтимоий тармоқларда профессионал фаолияти билан шугулланаётган шахслар (реклама бериш, SMM, ижтимоий тармоқларни бошқариш ва ҳоказо) жисмоний шахсларнинг

даромад солиғидан озод қилинади, ва ушбу солиқ умумий даромадлар ичига киради. Энг асосий бўлган талаб — улар ижтимоий тармоқлардаги фаолиятини жорий йил 1 июлидан кейин бошлаган бўлишлари лозим.

Меҳнат стажига эга бўлиш учун 2020 йил бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаган (111,5 минг сўмга тенг) ижтимоий солиқни тўлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки республикада мавжуд бўлган пластик карталар инфратузилмаси тўғрисида видеоҳисоботни тайёрлади. Унга кўра, жорий йил 1 август холатига мамлакатимизда 15,7 млн. пластик карта фойдаланувчилари мавжуд. Улардан 11,3 млн. пластик карталари Uzcard тўлов тизимида, 4,4 млн.таси эса HUMO тўлов тизимида рўйхатга олинган.

Шу билан бирга HUMO тўлов тизими



бўйича тўлов терминаллари ва банкоматларнинг сони устунлик қилади. Республика бўйича HUMO тўлов тизимида ишлайдиган 196 461та терминал ва 3 502та банкомат мавжуд бўлса, Uzcard тўлов тизимида ишлайдиган тўлов терминалларнинг сони 185 439та ва ўрнатилган банкоматларнинг сони 2 770тани ташкил қилади.

ТАНЛОВ

13 ва 14 август кунлари онлайн форматда Technovation Girls халқаро танловнинг ФИНАЛ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТАДИ

13 ва 14 август кунлари қизлар ўртасидаги Technovation Girls халқаро танловининг финал босқичи бўлиб ўтади. Ушбу тадбир хотин-қизлар учун энг йирик халқаро технологик тадбир бўлиб, унда Ўзбекистон 2016 йилдан бери иштирок этиб келмоқда.

Саммит дастурида қуйидаги тадбирларни ўтказилиши режалаштирилган:

- NASA астронавти Жасмин Моғхбелли ва олимпия чемпиони Нат Соокларнинг чиқишлари;
- Google, LinkedIn, Transcend, HSBC, Google Dialogflow, Nuance, Autodesk, Sparkfun семинарлари;
- менторлар ва иштирокчиларнинг ота-оналари учун семинарлар;
- финал босқичи иштирокчиларининг тақдимотлари ва энг яхши жамоани танлаш.

Technovation Girls онлайн-саммити 13 август куни Тошкент вақти билан соат 18:00да бошла-

TECHNOVATION Girls Uzbekistan

нади. Барча тадбирлар инглиз тилида бўлиб ўтади. Онлайн-саммитнинг тўлиқ дастурини қуйидаги ҳавола орқали кўриш мумкин: <https://www.technovation.org/blogs/technovation-world-summit-agenda-2020/>

Онлайн-саммитда иштирок этиш учун қуйидаги ҳаволага ўтинг: <https://www.eventbrite.com/e/technovations-2020-world-summit-tickets-112514684450>

ПОЧТА ИШИ ОЛГА СИЛЖИЙВЕРСИН

Бағдодлик Расул ака Қамбаровнинг бир сўзи, тез-тез такрорлайдиган ибораси бор — Почта иши олга силжийверсин, деган. Почта гуллаб-яшнаган йилларда ҳам, синовли паллаларда ҳам устоз почтачи ана шу ҳикматли дуосини тилдан қўймайди. Муҳими, вилоятдаги ҳамма шогирдларини ширин каломи, йўл-йўриқлари билан илҳомлантириб келади — почта халқниқи, у доим бўлган — қиргинбарот йилларида ҳам, тинч, осуда йилларда ҳам. Чунки почта неча-неча асрлик қудратга эга.



Шу боис ҳам одамлар почтани тан олади, почтага ишонади. Бу ишончни мустаҳкамлаб бориш ҳар бир раҳбардан тортиб, эндигина почта ҳаётига кириб келган навқирон йигит ва қизларга ҳам боғлиқ. Бу сира ёддан кўтарилмасин, болаларим!

Почта ўз маромига тушаётган ушбу давларда Қамбаров каби кексалик гаштини сураётган кўплаб отахон ва онахон фахрийларнинг, бир ярим-икки йиллик оғриқли йиллар юкини кўтарган асл почтачиларнинг, ва қолаверса, журналистлару газетасеварлару журналсеварларнинг дилидаги почта равнақ топсин дея қилган дуолари мустаҳаб бўлаётган бўлса не ажаб!

— Ҳа, — дейди почтанинг синовли йилларида раҳбарлик қилиш топширилган Алижон Ибрагимов. — Начора, чеккингга тушса чекчайма, дейдилар-

ку, — кулиб қўяди у. — 2017 йил июлидаги ҳолатни эсласам юрагим орқага тортиб кетади. Жамоа тирқираб кетди. Кимлардир ўзлари кетган бўлса, айримларни қисқартиришга мажбур эдик. Уларнинг аҳволини чуқур англаб, бу жараёнларни кўрмаслик учун, очиги, қани энди мен ҳам кета қолсам, шу маъқулми, дея ариза ёзишимга бир баҳя қолган дамлар бўлди. Мен ҳам қўл силтаб кетсам, юмшоқ қилиб айтганда, номардлик бўларди. Яхши кунларида яйраб ишладинг, энди бу ёғига гўзал тафаккур қил, матонат кўрсат — бюурдим ўзимга. Бу кунлар ҳам ўтар-кетар, яхши кунлар келар, дедим. Соҳамизнинг иссиқ-совуғини почта билан телекоммуникация ажратилган йилларда ҳам “топти” кўрганман. Ана шу “тажриба” қўл келиб қолар дедим. Ва чиндан ҳам шундай бўлиб

чиқди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва “Ўзбекистон почтаси” АЖ раҳбарияти қўллаб-қувватлаб турди. Мана, шу юзлар ёруғ бўлаётган кунларга ҳам етиб келдик. Ваҳоланки, агар пандемия балоси бўлмаганда эди даромадимиз ҳозиргидан бир неча баравар кўпроқ бўларди, албатта. Барча тадбиркорларда, корхона ва ташкилотларда бўлганидек, биз ҳам йўқотишларни бошимиздан кечираяпмиз, десак муболага бўлмайди. Шундай бўлса ҳам биринчи ярим йиллик тариф даромад режаларини 2019 йил мос даврига нисбатан 39 фоизга ошириб бажариб, 42 миллион 602 минг сўм соф фойда билан яқунладик. Турган гапки, жамиятимиз билан АТ “Алоқабанк” ҳамкорликда ТҚҚАТ “Мунис” модулини 2019 йил 9 август кунидан бошлаб ишга туширилгани фаолиятимизда катта аҳамият касб этди. Тўловлар ўз вақтида тушадиган бўлди, муҳими, шаффофлиги таъминланди. Тезкор почта хизматида 30 млн. сўм, гибрид почтадан 350 млн. сўм, жўнатма қабул қилиш ва манзилларига юборишдан 153 млн. сўмлик, оддий хат-хабарлардан 922 млн. сўмлик даромад олдик. Танг вазиятлар ҳам керак экан одамга. Меҳнатнинг турфа ўзанларига тушиб, турфа эврилишларни енгиб шижоат билан меҳнат қилишга ўргатар экан.

Яна шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, жамиятимиз моддий-техника базамизни бойитиб бормоқдаки, фаолиятимизда олдинги йилларда-

гидан анча фарқли равишда жадалликка ва тезкорликка эришяпмиз. Жамият томонидан 25та компьютер, 5та скутер, 7та пул санаш машиналари берилди. Мустақиллик байраминиз арафасида насиб бўлса филиалимизга яна 22та скутер топширилар экан. Бу гамхўрлик янада ғайрат билан ишлашга даъват этади. Айниқса, Қувасой, Қўқон ва Фарғона шаҳарлари почта алоқаси боғламалари бошлиқлари Илҳомжон Абдуллаев, Дилноза Абдухалилова, Рустамжон Каримовлар ҳамда Учкўприк, Олтиариқ ва Яйпан ПАБлари бошлиқлари Зайлобиддин Расуллов, Жаҳонгир Ҳакимов ҳамда Нўмонжон Тошқўзиевлар ҳаммага ибрат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар кун талабларидан келиб чиқиб, ишни тўри ва пухта ташкил этишмоқда.

Вазирлигимиз ва акциядорлик жамиятимиз меҳнатда илғорларни рағбатлантиришга ҳам энг долзарб масала сифатида қараб келишаётгани ҳам ютуқларга равон йўл очмоқда. Янгиқўрғон ПАБ Оққўрғон алоқа бўлими бошлиғи Саидахмад Қўчқоров вазирлигимизнинг Фахрий ёрлиғига муносиб кўрилди, Қувасой шаҳар ПАБ 6-алоқа бўлими бошлиғи Дилфуза Айденова, Учкўприк ПАБ Жалоер алоқа бўлими бошлиғи Мақсудали Маматовлар жамиятимизнинг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Зеро, рағбат бор жойда, ҳикмат бор, самара бор. Меҳнат ушмурдорлигимиз шу таразда оширилиб, эътибор ва эҳтиромнинг юксалётгани бизларни янада маътулият билан ишлашга сафарбар этмоқда.

ЗАМОН СЕНГА БОҚМАСА, СЕН ЗАМОНАГА БОҚ

Кўп йиллар аввал туман пенсия жамғармасида, сўнг саккиз йилдан буён почтада ишлаб келяпман. Шунинг учун ҳам пенсияга боғланиб, турғун бўлиб қолишнинг оқибатларини олдиндан сезиб юргандим. Бу тушкун ҳолатдан қандай чиқиб кетиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб ўйимга етолмасдим. Ва қарангки, мен кўрқиб юрганам содир бўлди. Кўпчилигимиз каби мени ҳам ўй-саного кўяётган муаммо юз берди.

Менинг ҳисобимда у 2017 йилнинг 1 июл кунидан 2018 йил 1 сентябргача давом этди. Хайрият, секин-аста ҳаммаси жой-жойига

тушмоқда. Аёвсиз қисқартирилган шаҳар ва туманлар тармоқлар яна ўз холига қайтди. 19та почта алоқаси боғламалари қайтадан ташкил бўлди. Мана, ишни анча ўнглашга эришдик. Илғорлар сафидамиз. “Мунис” модулида ишлашни тез ўзлаштириб олганимиз асосий ютуғимиз деб тан олинди. Одамлар ўша-ўша бизга ишонадилар, очиқ чехра билан кутиб олиб, очиқ чехра билан кузатадилар. Коммунал тўловлар, жарималар, автомашиналарга техник кўрик тўловлари қаторига мол-мулк, ер солиқлари, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, боғча, нотариус тўловлари каби хизматларимиз қўшилди. Хизматларимиздан халқимиз беҳад хурсанд.

Янги ишлашни беҳато олиб боришда Оққўрғон алоқа бўлими бошлиғи Саидахмад Қўчқоров, Қўрғонобод, Пошшолирим, Бувайда, Бачқир алоқа бўлимлари бошлиқлари Шамсиддин Раззоқов, Кимёхон Тир-

кашева, Фарҳоджон Деҳқонов, Авазбек Фафоровларнинг, боғлама амалиёт зали операторлари Холиссон Мирзаалиева ва Шаҳзодахон Норматовларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Улар режаларини ортиги билан адо этаётганилари учун маошларига устама ҳақ тўланмоқда. Шу боисдан ишларининг самаралари юзага чиқмоқда. Биз, боғлама бошлиқларининг ҳам астойдил хизматларимиз назардан четда қолмаяпти. Яқинда натижаларимиз қувончли бўлгани учун мукофот пули олдикки, биз шу сингари меҳрибончиликдан бениҳоя миннатдоримиз. Аминманки, фаолиятимиз залвори янада ошиб боради. Ҳалол ва тезкор хизматларимиз билан элга манзур бўлайлик, деймиз.

Арабжон АЛОҚА, Янгиқўрғон почта алоқа боғламаси бошлиғи



Янгиқўрғон ПАБ бошлиғи Арабжон АЗИМОВ

Саҳифани “Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири Ҳафиза САЛЯҲОВА тайёрлади

6 КОНКУРС

IT-PARK ПРОДОЛЖАЕТ РЕГИСТРАЦИЮ НА РЕСПУБЛИКАНСКИЙ КОНКУРС ПО РОБОТОТЕХНИКЕ

Министерство информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан совместно с IT-Park, Artel Group, RevoTech и специализированной школой Аль-Хоразмий объявляет республиканский конкурс Future Skills Uzbekistan.

Участники должны будут представить свои проекты в следующих направлениях:

Инженерное проектирование:

- промышленная автоматизация;
- автоматизация сельского хозяйства (агропромышленный комплекс);
- автоматизация логистики;
- машиностроение;
- автомобилестроение;
- 3D-моделирование и прототипирование.

Робототехника:

- медицинские роботы;
- бытовые роботы;
- манипуляторы;
- андрогенные роботы;
- робо-симуляторы.

**Конкурс будет разбит на два этапа:**

- отбор, который состоится с 2 по 15 сентября;
- финал - с 18 сентября по 20 сентября.

Принять участие в конкурсе может любой желающий до 30 лет.

Регистрация пройдет с 24 июля по 1 сентября включительно по ссылке. После окончания регистрации участники должны будут в течении отправить свои проекты на оценку экспертам.

Одни из ведущих экспертов Узбекистана выберут интересные и неординарные проекты для прохождения в финал.

➤ ЭЛЕКТРОННЫЙ ДОКУМЕНТООБОРОТ

UZEX ЗАПУСТИЛА СЕРВИС ЭЛЕКТРОННОГО ДОКУМЕНТООБОРОТА

Узбекская республиканская товарно-сырьевая биржа (UZEX) запустила систему электронного документооборота exdoc.uz. Об этом сообщили в пресс-службе компании.

Услугой могут свободно пользоваться как участники биржевых торгов, так и другие предприятия и организации, подчёркнули в UZEX.

Новый электронный сервис биржи передает документы по специально зашифрованному каналу и проверяет их статус исполнения. Биржа планирует подключить новый сервис к 1С и биллинговой системе.



➤ НАЛОГИ

ЗА РЕКЛАМУ В СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ ТОЖЕ НАДО ПЛАТИТЬ ПОДОХОДНЫЙ НАЛОГ

Согласно сообщению Государственного налогового комитета, лица, занимающиеся рекламной деятельностью в социальных сетях, в том числе зарегистрированные как индивидуальные предприниматели, должны платить подоходный налог в размере 12% (по прибыли, полученной до 1 июля 2020 года).

Для этого необходимо представить в налоговый орган по месту постоянного жительства декларацию о совокупном годовом доходе в срок не позднее 1 апреля года, следующего за отчетным.

Вместе с этим лица самозанятые лица, в том числе занимающиеся профессиональной деятельностью в социальных сетях - продвижением и рекламой в социальных сетях, SMM, администрированием социальных сетей и другим, освобождаются от налога на доходы с физических лиц для включения в совокупные доходы. Главное условие - если они ведут свою деятельность в соцсетях с 1 июля текущего года.

При этом для получения стажа необходимо уплатить социальный налог за 2020 год в размере не менее 50% от базовой расчетной величины (111,5 тысячи сумов).



➤ ИНТЕРАКТИВНЫЕ УСЛУГИ

ЗАПУЩЕН ИНТЕРАКТИВНЫЙ СЕРВИС SOGBOLING.UZ

Для оперативного решения возникающих проблем при лечении COVID-19 хокимият города Ташкента запустил интерактивный сервис sogboling.uz.

Просим всех жителей Ташкента, получивших и получающих сейчас медицинское обслуживание по COVID-19, оставить свой отзыв о качестве лечения, обеспечении лекарствами, питании и других аспектах лечения.

Мнение каждого гражданина, получившего и получающего медицинское обслуживание по COVID-19, важно для оптимизации усилий в борьбе с пандемией, поможет специалистам и персоналу медицинских учреждений сделать лечение пациентов максимально результативным, а пребывание на карантине - более комфортным.

➤ ПЛАТЕЖНЫЕ КАРТЫ

ОКОЛО ПОЛОВИНЫ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА ПОЛЬЗУЮТСЯ ПЛАСТИКОВЫМИ КАРТАМИ

Центральный банк Республики Узбекистан подготовил видеоотчёт об инфраструктуре платёжных карт республики. Согласно отчёту, по состоянию на 1 августа текущего года в стране насчитывается 15,7 миллиона пользователей пластиковых карт. Из них 11,3 миллиона зарегистрированы в платёжной системе Uzcard, 4,4 миллиона - в системе HUMO.

При этом в республике у HUMO больше платёжных терминалов и установленных банкоматов - 196 461 терминал и 3 502 банкомата. У Uzcard - 185 439 платёжных терминалов и 2 770 установленных банкоматов.



КОРОТКО

Microsoft исправила 120 уязвимостей в Windows. Microsoft выпустила очередное ежемесячное "обновление по вторникам" (Patch Tuesday) для Windows. Оно исправляет проблемы безопасности.

Всего апдейт "закрывает" 120 уязвимостей в системе безопасности, в том числе две уязвимости "нулевого дня". Сообщается, что проблемы затрагивают и саму операционную систему, и браузер Edge, и продукты Office.

Бесплатный интернет в России оказался медленным. Но востребованным.

Министерство цифрового развития, связи и массовых коммуникаций России поделилось деталями проекта "Доступный Интернет". Этот проект позволяет россиянам получить бесплатный доступ к социально значимым интернет-сервисам. Судя по данным министерства, бесплатный интернет в России медленный.

Проект "Доступный Интернет" тестируется в России с 1 апреля 2020. По данным операторов-участников эксперимента, за всё время бесплатным доступом воспользовались более 1 млн. уникальных пользователей. А вот средняя скорость интернета составила всего 1,7 Мбит/сек.

Миллионы пользователей по всему миру установили шпионские китайские приложения от компании QuVideo Inc. Эти программы до сих пор можно найти в Google Play и App Store. За всё время эти приложения загрузили более 157 млн. пользователей по всему миру. Что любопытно, ПО QuVideo Inc. ещё несколько лет назад признали шпионским и вредоносным.

Компания QuVideo из Ханчжоу занимается разработкой приложений видео и фоторедакторов. Всего она создала шесть приложений, самое популярное из них VivaVideo. Оно занимает одно из первых мест в своей категории в Google Play, его скачали уже более 100 млн. людей по всему миру. Однако приложение по-прежнему не так, что оно запрашивает доступ к данным, которые никак не связаны с его функциями. Например, к информации по местоположению.

Ещё одно приложение VidStatus не только следит за пользователями, но и содержит в себе троянский вирус.

Видеозвонки в Telegram стали доступны и на Android. Несколько недель назад стало известно, в тестовой версии приложения Telegram для iOS появилась долгожданная функция видеосвязи. Прошло не так много времени, как видеозвонки в Telegram стали доступными и на Android.

Так, после установки на свой смартфон Telegram 7.0 Beta владельцы Android-смартфонов получат возможность связываться с контактами по видео без каких-либо дополнительных манипуляций. Правда, стоит отметить, что новая функция доступна лишь в связке с теми пользователями мессенджера, которые также установили свежую бета-версию приложения.

**Китоб ўқиш учун
10та сабаб**

Ўқиш сўз бойлигини оширади. Турли жанрдаги асарларни ўқиётганда, одатда кундалик нутқда ишлатилмайдиган сўзларга дуч келасиз. Агар сўз сиз учун нотаниш бўлса, таърифни луғатда излаш шарт эмас. Баъзан атаманинг маъноси унинг мазмуни билан тушунилиши мумкин. Ўқиш нафақат сўз бойлигини оширади, балки умумий саводхонлигингизни яхшилади.

Ўқиш одамлар билан мулоқот қилишга ёрдам беради. Мутолаа туфайли нутқ қобилиятингиз ошади, яъни фикрларингизни аниқ, равшан ва чиройли шакллантириш учун айнан китоб ўқиш керак. Бир нечта классикаларни ўқиб чиққандан сўнг, сизда таассуротларингизни, воқеаларни чиройли ҳикоя қилиш қобилияти ортади. Сиз умуман ўқймайдиган одамларда, айниқса, катта таассурот қолдирадиган янада қизиқарли суҳбатдошга айланасиз.

Ўқиш ишонччи оширади. Суҳбат давомида у ёки бу мавзу бўйича чуқур билимга эга эканлигингизни намойиш қилсангиз, беихтиёр ўзингизни суҳбатдошингиз олдида ишончли тутасиз. Ва билимингизнинг бошқалар томонидан тан олинishi ўз-ўзини ҳурмат қилишга ижобий таъсир қилади.

Ўқиш стрессни камайтиради. Бугунги кунда стрессдан халос бўлиш кўплаб одамларнинг асосий ташвиши. Китоб матнининг бойлиги ва ритми руҳиятни тинчлантиришга ва танани стрессдан халос қилишга мойилдир.

Ўқиш хотира ва фикрлашни ривожлантиради. Китоб ўқишнинг муҳим афзалликларидан бири бу бизнинг тафаккуримизга ижобий таъсир кўрсатиши. Ўқиётганимизда, асарнинг бу ёки бошқа ғоясини тушуниш учун кўпроқ фикр юритамиз. Биз одатда жуда кўп маълумотларни ифодалаймиз: белгилар, уларнинг кийимлари, атрофдаги нарсалар, жой манзаралари. Шунингдек, китобдаги жараёни, вазиятни тушуниш учун зарур бўлган кўп нарсаларни эслаб қолиш керак. Бу хотира ва мантиқни ўргатади.

Ўқиш Алцгеймер ва илмий изланишларга кўра, мия касалликларидан ҳимоя қилади. Ўқиганингизда мия фаолияти кучаяди ва доимо яхши ҳолатда бўлади, бу унинг ҳолатини яхшилади.

Ўқиш сизни ёшартиради. Мия қариганида, инсон танаси ёшариши ҳам илмий исботланган. Ўқиш сизнинг миянгизни доимий ишлашга мажбур қилади, натижада кексалик кечиктирилади.

Ўқиш ижодкорлик қобилиятингизни оширади. Ижодкорлар бир вақтнинг ўзиде бир нечта ғояларни ишлаб чиқишади. Улар ғояларни қаердан олиши мум-

Одамлар жуда бандлиги боис китоб ўқишга вақт ажратмаяптилар. Чунки компьютер ўйинларининг виртуал ҳақиқатига суянган ҳолда телевизорни пултини олиш ёки ноутбукни очиш осонроқда. Бирок, кўп китоб ўқиган одамлар муваффақиятли мартаба, оилавий муносабатларни ривожлантириш учун кўпроқ имкониятга эгалар, улар ёш кўриниши ва узоқ умр кечириши ҳам илмий исботланган. Хуллас ушбу мақолада китоб билан боғлиқ ажойиб тадқиқотларга тўхталиб ўтамыз.

КИТОБ БИЛАН МУЛОҚОТ

кин? Албатта китоблардан. Бирор асарни ўқиб, жуда кўп ғояларни тўплашингиз кейинчалик уларни амалиётга татбиқ этишингиз мумкин.

Ўқиш уйқуни яхшилади. Агар сиз уйқудан олдин мунтазам равишда ўқисангиз, тананинг ўзига хос сигналига айланиди, яъни мия ухлаш учун яқин орада таёргарлик кўради. Шундай қилиб, сиз нафақат уйқуни яхшилайсиз, балки эрталаб ўзингизни янада тетикроқ ҳис этасиз.

Ўқиш фикрни бир жойга жамлашни яхшилади. Ўқиётганда, бегона нарсаларга чалғимаслик керак. Ушбу маҳорат бошқа ҳар қандай фаолиятда жуда фойдали. Китобларни ўқиб, шунингдек, объективлик ва қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради.


**Китоб ҳақида
10 тадқиқот**

Китобни фойдали эканлиги ҳақида олимлар жуда кўплаб илмий тадқиқотлар қилиб келишган. Куйида ана шундай тадқиқотларнинг айримлари билан танишамиз.

Ливерпул университети олимлари Шекспир, Элиот ва бошқа таниқли шоирларнинг шеърларини ўқиётганда мия фаолиятини ўлчашди. Шеър ўқиш ўқишни тўхтатгандан кейин ҳам мияни давом этадиган ҳаяжонланиш ҳолатига олиб келиши аниқланди. Миянинг автобиографик хотира билан боғлиқ ҳудудлари айниқса фаоллашди.

Атлантадаги Эмори университети тадқиқотчилари ҳар куни Роберт Харриснинг тарихий триллери Помпейнинг 30 саҳифасини ўқиётган 12 талабада магнит-резонанс томография (МРТ) сканерлашларини амалга оширдилар. Тажриба шуни кўрсатдики, ўқиш марказий мия ярим шарининг чап темпорал томонида фаоллики оширди. Бундан ташқари, китобни ўқиганидан кейин ҳам бир мунча вақт ўтгач, ҳаяжонлар бу соҳаларда давом этди. Олимлар, шунингдек, ўқувчилар "танани семантизация қилиш" тажрибасини бошдан кечириётганини аниқладилар. Масалан, сузиш ҳақида уйлаш сузишнинг жисмоний жараёни билан бир хил бўлган ҳалқаро даражадаги алоқаларни шаклланишига олиб келади.

Оксфорд университети мутахассислари ҳам МРТдан фойда-



ландилар ва мутолаа пайтида миянинг шу каби қисмлари жонли равишда тасвирланган сахналарни томоша қилишда фаоллашишни аниқладилар.

2008 йилда Дьюк университети тадқиқотчилари ўқиш семиришни даволаш мумкинлигини аниқладилар. Улар 9 ёшдан 13 ёшгача бўлган 30 нафар қизни текширишди. Улардан бирига ортиқча вазни ва ўзини паст баҳолайдиган қиз ҳақида "Кутқарувчи кўл" романини ўқиш таклиф қилинди. Иккинчи гуруҳ дуч келган китобни ўқийдилар, учинчиси эса умуман ўқимадилар. Натижада, биринчи гуруҳдаги тана массаси индексининг пасайиши иккинчи ва учинчи гуруҳларнинг натижаларига қараганда деярли икки баравар юқори бўлди. Олимлар бунни ўқиш қизларнинг мотивациясига таъсир қилиш билан боғладилар.

Бир гуруҳ олимлар жамоаси (асосан Франциядан) саводсиз одамларнинг мия фаолиятини (худди шу МРТ ёрдамида), балоғат ёшида ва "оддий" ўқишни ўрганган, болалигидан саводли одамларнинг мия фаларда давом этди. Олимлар, шулардан ташқари, миянинг мия ярим шарининг визуал соҳаси анча жадалроқ ишлаб бошлайди, овозли маълумотларни қайта ишлаш учун масъул бўлган ҳудудлар фаоллашади ва бир вақтнинг ўзиде бир нечта бошқа мия марказлари "ёқилади". Аммо бу нафақат "саводли мия" ишини харак-

терлайди, балки фақат оғзаки маълумотни англаш билан, саводли одам саводсиздан кўра кўпроқ интенсив ишлаб бошлайди ва миянинг бошқа бир қатор ҳудудлари фаоллашади.

Стенфорд университети тадқиқотчилари бир гуруҳ адабиёт фанлари номзодларидан Жейн Остиннинг романидан МРТ машинасида ҳар хил йўллар билан ўқишларини сўрадилар. Илмий конференцияда нутқ сўзлашлари керак бўлганидек, матни таҳлил қилишга эътибор қаратишлари текширишди. Таҳлилий, батафсил ўқиш одатда иштирок этмайдиган маълум мураккаб когнитив функцияни бажаришни талаб қилиши аниқланди. "Ўқиш учун завқланиш" дан "аналитик", яъни таҳлилий ўқишга ўтиш жараёнида миянинг асабий фаолияти ва мияда қон айланишининг табиати кескин ўзгаради.

Нейрофизиолог Девид Люис ва ҳамкасблари турли хил фаолият турлари стрессни қандай енгилаштириши мумкинлиги тўғрисида тадқиқот ўтказдилар. Бир гуруҳ кўнгиллилар стресс ҳолатига тушиб қолишди ва кейин бу ёки бошқа усулни қўллаган ҳолда ушбу стрессдан халос бўлишни таклиф қилишди. Ўқиш стрессга қарши энг самарали восита эканлиги маълум бўлди. Мушакларни бўшатириш ва юрак уришини нормаллаштириш учун 6 дақиқадан ортиқ вақт керак бўлди.

Америкалик тадқиқоти Роберт Уилсон 6 йил давомида

бир гуруҳ олимлар билан қарийб уч юз кекса кишиларни (ўртача 89 ёшни) кузатди. Ва уларнинг ўлиmidан сўнг миялари патологик ўзгаришлар учун текширилди. Маълум бўлишича, умр бўйи ўртача маълумотни кўпроқ ўқиган одамларда хотира билан боғлиқ муаммолар 32 фоизга кам, умуман ўқимаганлар хотирани 48 фоиз тезроқ машғул бўлишади.

Кўпинча овқатланаётганда китоб ўқиб бўлмади дейишади. Лекин Тулуза университети олимлари овқатланиш пайтида ўқиш нафақат зарарли, балки аксинча фойдали эканлигини, телевизор томоша қилиб ўтирганлардан кўра китоб ўқиш ошқозонга овқат яхши ҳазм бўлишини исботладилар. Ўқиш пайтида одам овқатни секинроқ чайнайди, натижада овқат ошқозонга кўпроқ эзилган шаклда қиради ва ошқозон шарбати билан тўйинган бўлади.

Нюрнберг ахлоқий ва жисмоний саломатлик академиясининг олимлари янада экзотик хулосага келишди. Ҳожатхонада ўқиш фойдали экан! Айниқса, мунтазам ич қотишидан азият чекадиганлар учун. Китоб ўқиш, яъни матн ҳаяжонли фитна ичак деворларининг қисқаришига фойдали таъсир кўрсатади, шунинг учун тадқиқотчилар детектив ҳикоялар ва жосуслик романларини ҳожатхонада қолдиришни маслаҳат беришади.

**Барно СУЛТОНОВА
тайёрлади.**

Олий Мажлис Сенати кенгашининг 15 июл кунги навбатдаги мажлисида 13-14 ёшли қизлар орасида эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатларининг кўпайиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ҳақда ижтимоий тармоқларда расмий хабарлар тарқалди.

Кайд этилишича, эрта ҳомиладорлик ва туғуруқ ҳолатлари кузатилган ўқувчи қизларнинг қарийб ярми ота ёки онасиз оилаларда яшаётганлиги аниқланган. Сенат хабарида оиладаги етишмовчилик, ота-оналарнинг ишсизлиги ёки кам даромад топиши ҳам қизлар тарбиясига салбий таъсир қилаётгани таъкидланган.

Айниқса, бу ҳолатни кейинги пайтда мамлакатимизда эр-хотинлар ўртасида ажримнинг кўпайиши билан ҳам боғлаш мумкин. Ота-она ўртасидаги келишмовчиликдан энг кўп азият чекадиган ва стрессга бериладиган албатта фарзанд ҳисобланади. Ота-она мустақил инсонлар, ажрашганидан сўнг яна янги ҳаёт куриш учун кураш бошлайди. Аммо ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган ўғил ёки қиз тирик етимлик изтиробини кўтара олмайди. Тоғаси, аммаси, холаю бувиларининг кўлида сансалор ҳаёт кечиришга мажбур бўлади. Ана шундай пайтларда эндигина бўй чўзиб, ниҳолдек кўкка қараб ўсишга талпинаётган ўсмир қизнинг ҳаётига кимдир кириб келади-ю унинг қалбини маҳв этади.

"Қиз меники, ўзим тарбиялаб оламан!"

Гулмира исмли аёлни қизининг тақдир фикримизга мисол бўла олади. Гулмира турмушдан ажралгач, қизи билан укасиникида яшашга мажбур бўлди. Келин билан жанжаллашавергач алоҳида ижара уйга кўчиб чиқишга

Нозима 16 ёшга етганида она бўлди. Аммо унинг ҳомиласи ногирон эди. У гўдакни қандай кўтариш, парваришlash у ёнда турсин, ҳатто қорнини ҳам тўйғазишни билмасди. Қайнона уқувсиз келинни ногирон боласи билан кўчага ҳайдади...

УЯТ — ЛУҒАТИМИЗДАН ЎЧСА-ДА, ҚАЛБИМИЗДАН ЎЧМАСИН



қарор қилди. Кўпқаватли уйда ҳеч кимни ҳеч ким билан иши йўқ, ҳамма ўзига хон, кўланкаси майдон яшарди. Бу Гулмирага жуда қўл келди. Маишатга берилди, уйига уни сўраб ҳар хил эркалар келиб-кетадиган бўлди. У уйда гулдек қизи борлигини ҳам унутди. Қариндошлари ҳам уни ўз холига ташлаб қўйишди. Маҳалладаги бир-иккита аёллар кейинги пайтларда қизи Назокатнинг қадам олишлари ўзгариб қолганидан уни оғоҳлантиришганида "Сизларга нима, қиз меники, ўзим тарбиялаб оламан", деб иддао қилди. Ҳали 15 ёшга ҳам тўлмаган қизини уйига келиб-кетаётган эркалардан қизгонмади. Қизининг ҳомиладорлигини эшитгач эса ҳомиладан қутулиш йўллари ни излаб зир югурди. Ўз қизи олдида бегона эркалар билан маишат қилишга уялмаган аёлнинг бирданига виждони ўйғониб қолди. Нима қилиб бўлса ҳам боладан қутулиш керак! Таниш гинеколог топиб, ҳомиладан қутулди. Аммо кундан-кунга қизининг ранги сўниб, аҳволи оғирлашиб бораверди. Охир-оқибат Гулмира гулдек қизидан ажралиб қолди.

Уқувсиз келин кўчага ҳайдалди

Шарофат эрининг норозилигига қарамай, икки қизини онасига ташлаб, хорижга ишлаш учун кетди.

Балоғат ёшига етиб қолган қизлар бувининг сўзларига қулоқ осмас, ўз билганларича ҳаёт кечиришарди. Қиммат ва замонавий либосларни кийиб кўчага чиққан қизлар йигитларнинг ақлини шошириб қўйди. Уларнинг атрофида хирапашадек "ошиқ" йигитлар кўпайди. Қизлар эса бундан хавойиланар, босар-

тусарларини билмай қолишди. Охир-оқибат кенжатоқ қиз бўйи етган йигитнинг тузоғига илинди. У ҳатто ҳомиладор бўлиб қолганини ҳам тушунмай қолди. Сир очилгач, буви қизига кўнги-роқ қилиб, уйга қайтишини талаб қилди. Она бир амаллаб қайтди. Йигитнинг ота-онаси бундай беҳаё қизни келин қилмасликларини айтишди. Маҳалла-кўй араллашиб, қизни жувонмарг қилмасликка, келин қилишга кўндиришди. Нозима 16 ёшга етганида она бўлди. Аммо унинг ҳомиласи ногирон эди. У гўдакни қандай кўтариш, парваришlash у ёнда турсин, ҳатто қорнини ҳам тўйғазишни билмасди. Қайнона уқувсиз келинни ногирон боласи билан кўчага ҳайдади...

Тиббиёт нима дейди?

Тиббиётда 13-14 ёшда қиз болаларда жинсий органларининг ривожланиши жадаллашиши таъкидланади. Бу даврда қиз болада ўзга жинс вакилига қизиқиш, мойиллик кучли бўлади. Худди шу пайтда қизнинг ёнида онаси бўлмаса ҳам холаси, аммаси бирор яқини бўлса унинг ҳолатидаги ўзгаришларни тўғри баҳолаб, унга тушунтириб беради. Кўпинча қиз боланинг ёлғизланиб қолиши, онаси билан суҳбатлашмаслиги унинг нотўғри жинсий тарбияга қадам қўйишига, чимилдиқ кўрмай ҳаёти барбод бўлишига сабаб бўлади. Илгари қиз бола балоғат ёшига етганда онаси энг аввало чимилдиқ сотиб оларди. Чимилдиқ аслида қиз боланинг ибто ҳаёси белгиси. Ҳозир эса она ҳам, ота ҳам фақат мебел сотиб олиш орзусида. Миллий қадриятларнинг унутилиши ёшлар тарбиясини бой берилишига сабаб бўлмоқда.

Илгари...

Бололигимизда, яъни 6-7 ёш пайтимиз бувиларимиз, оналаримиз қизлари ва қиз невараларига: "Қалта кўйлак кийма, этагингни ёпиб ўтир", деб ўргатишган бўлса, 13-14 ёшга етган қизларга, "Ўғил болалар билан қўл бериб кўришма, аканг ётган хонага кирма", деб ўқтиришган. Қизлар ҳам худди ўғил болага яқин юрса ҳомиладор бўлиб қолаётгандек улардан ўзларини узоқ тутган. Қўл бериб кўришиш у ёнда турсин ҳаттоки нигоҳларини ҳам қизғонишган. Бувила-римиз қизларни ўзларини ўғил болалардан қандай ҳимоя қилишни мана шундай тарбия усуллари орқали ўргатишган. Аслида турли тарбиявий сўзларни тинглаш ёшларга тенгсиз давлат ҳисобланади

Ҳозирчи?

Олдинлари айрим одамлар, "Шаҳарлик қизларда ибто ҳаё йўқ, уят нималигини билмайди", деб таъна қилишарди. Ҳозир уят чегара танламай қолди. Яқинда водийга борганимда 16 яшар қизни тоғаси билан ўпишиб кўришаётганини кўриб ҳайрон бўлдим. "Ахир бу ҳали турмушга чиқмаган қиз бўлса, тоғаси уйланмаган йигит экан, уят эмасми? десам қизнинг онаси, "Нима бўпти, биз замонавий оиламиз, қизим акаси билан ҳам ўпишиб кўришади", деган жавобни берди. Хўш, қизларга тарбия бериши керак бўлган оналарнинг ўзлари шундай деб баҳона топишса, ёшлардан нимани кутиш мумкин?

Бир сўз билан айтганда, инсонда ақлни ҳам бошқара оладиган бир куч бор. Бу УЯТ ҳисси. Фарзандларимизга аввало атрофдагилардан эмас, ўзидан уялишни ўргатишимиз керак. Атрофдагилардан уялган инсонда қўрқув ҳисси ҳукмрон бўлади. Бу эса хато қилишга ундайди. Ўзидан уялган инсон эса ҳар бир босган қадамни сарҳисоб қилади. Бу ҳис унга хатолар қилишдан тийилишига ёрдам беради. Зеро, УЯТ сўзи луғатимиздан ўчса-да қалбимиздан ўчмасин.

Нигора РАҲМОНОВА,
журналист


МАВЗУ ДОИРАСИДА:

** Сўнги йилларда 18 ёшга тўлмаган қизлар орасида эрта туғуруқ ҳолатлари ҳам камайиб, 2018 йилда бундай салбий ҳолатлар 1,5 мундан зиёд бўлган, 2019 йилда эса бу кўрсаткич 1,2 мингтани ташкил этган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 231та эрта туғуруқ ҳолатлари қайд этилган.*

** Эрта ва исталмаган туғуруқ ҳолатлари, ёшларнинг оилавий муносабатларга тайёр эмаслиги, оиладаги ижтимоий-маънавий беқарорлик каби сабаблар қақалоқлар савдоси жиноятини ҳам келтириб чиқармоқда.*

** Сенат кенгаши қарори билан эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажралишлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.*

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрича, дунё мамлакатларида COVID-19 пандемияси пайдо бўлиши билан бир қаторда, “инфодемия” деб аталадиган ўта салбий ҳолатга дуч келинмоқда.



ПАНДЕМИЯ ЭМАС, ИНФОДЕМИЯ ЎЛДИРАДИ

Инфодемия – медиамаконда муайян бир мавзу ва муаммо бўйича маълумотларнинг керагидан ортиқ мавжуд бўлишидир.

Бу афсуски, ана шу муаммога ечим топилишини бир неча бор қийинлаштиради ва вазиятни чалкаштиришга олиб келади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида содир бўлган фавқулодда вазият пайтида инфодемия хатоларнинг бўртирилиши, ёлгон хабар ва миш-мишларнинг авж олишига олиб келмоқда. У, шунингдек, самарали жавоб чоралари кўрилишига ҳалал бериши, касалликнинг олдини олиш учун тақлиф этиладиган ечим ва маслаҳатларга нисбатан чигаллик ва ишонсизлик туғилишига хизмат қилиши мумкин.

Айрим журналист ва блогерлар нафақат ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш тизими, балки давлат бошқаруви тизимига ҳам ишонсизлик кайфиятини келтириб чиқариши мумкин бўлган материалларни тарқатишга ўтиб олишди.

Бундан ташқари, короновирусга чалинган оддий ҳамюртларимиз ва қурбонлар шахсига нисбатан дахлсизлик принципларини кўр-кўрона бузаётганликларига гувоҳ бўляпмиз.

“Биринчи касаллар”нинг исм-шарифларини ҳатто сарлавҳаларга чиқариб, байроқ қилиб

кўтариб югурдик. Бу билан уларнинг эртанги кунига, ҳаётига очикчасига “тупурдик”.

Нафақат маҳалласи, балки уй манзилларига элга овоза қилдик.

“Биров ўлибди” деса, орқада қолиб кетмайлик, деб дарров, бошқа сайтлардан бу каби шум хабарларни текширмасдан кўчириб, тезроқ майитни “кўмиб” келдик. Уялмадик...

Ахир, журналистика мактабида устозларимиз ҳар қандай факт камида учта жойдан текширилиб, кейин узатилиши керак, деб қўлогимизга қуюшмаганмиди?

Бундан бир йил олдин сиз билан биргаликда ишлаб чиқиб, ўзимиз бир овоздан қабул қилган “Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси”ни ўзимиз оёқ ости қилаётганимизни наҳотки тушунмасак.

Ана шу кодекснинг “Шахсий ҳаётга ҳурмат. Шахс шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш” номли 7-моддасидаги тамойил қачонгача паймол қилинади?

Ахир бу сўзларни ўзимиз ёзиб кўйгандик-ку: “Журналист одамларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини ҳурмат қилади. Шахс шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймайди”...

Бир-биримизга берилган ваъдаларни, касб тамойилларини бир йил деганда эсдан чиқариб улгурдикми?

Келинг, қизишмайлик-да,

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг журналистлар учун COVID-19 пандемиясини ёритиш борасида ишлаб чиққан тавсияларига бир эътибор берайлик:

● Этика жиҳатидан вазимиз ва масъулиятли бўлиш.

● Шов-шувли хабар ёки ваҳима тарқатишдан ўзини тийиш.

● Ижтимоий жиҳатдан масъулиятли бўлиш.

● COVID-19 пандемияси ҳамда кўрилатган жавоб чоралари тўғрисида далиллар ва ҳаққоний маълумотлардан фойдаланиш.

● Ишончли, илмий асосланган ва сигналган манбаларга таяниш.

● Мазкур вазият туфайли аҳоли орасида хавотир уйғонишига сабаб бўладиган ҳолатларга ойдинлик кирита оладиган олимлар, тадқиқотчилар, жамоат саломатлиги соҳаси мутахассислари, олий ўқув юртлири ишчи-ходимлари ҳамда бошқа билим соҳаси мутахассисларидан иқтибослар келтириш.

● Касаллик тарқалишини тўхтатиб туриш ва/ёки сусайтиришга ёрдам берувчи чоралар тўғрисида ёзиш.

● Тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳамда уларнинг, эпидемияга қарши жавоб чораларини кўришда бош вазифани бажараётганларини инобатга олиб, бевосита ҳозирги ҳолат тўғрисида сўзлаб бериш.

● Беморларнинг соғайиши, касалликка қарши курашиш чораларини кўраётган одамлар ҳамжамияти, ёки ёндашувлари орасида ўрганилишга лойиқ бўлган мамлакатлар тўғрисида ҳикоя қилиш.

● Амалий ечимлар ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга ёрдам берадиган материалларни олиб чиқиш.

● Ўз соғлиқлари ва улар суҳбат қураётган, интервью олаётган кишиларнинг соғлиқларини муҳофаза қилиш учун расмий тавсияларга риоя этиш.

● Пандемияга боғлиқ воқеа-ҳодисаларни ёритаётганда, беморлар билан мулоқотда, амалиётда, ижтимоий масофани сақлаш.

● Тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

● Беморларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини ҳурмат қилиш ва уларнинг шахсиятларини ошқора қилмаслик ҳамда уларнинг розилигисиз улар ҳақида тўлиқ маълумот бермаслик.

● Эпидемиология асосларидан бохабар бўлиш.

● Одамлар орасида чалкашлик, ташвиш ва кўрқув янада кўпайишига ҳисса қўшади-ган, ёлгон ахборот тарқатувчи кишилар фикрларини оммалаштирмаслик.

Хуллас, юқоридаги тавсияларга бир эътибор қаратсак, назаримда, ёмон иш қилмаган бўлардик.

Майли нима бўлганда ҳам ҳозирги бало-қазолардан вақти-соати келиб қутулармиз. Насиб бўлса шу одамлар, шу халқ ичида яна яшармиз. Бироқ, кеч бўлмасдан эл кўзига эртага қандай қарашни обдон ўйлаб кўрсак бўларди.

Сизлардан яхши хабарлар кутиб қолувчи ҳамкасбингиз,

Беруний АЛИМОВ

“Журналист одамларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини ҳурмат қилади. Шахс шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймайди”...

“Бундан бир йил олдин сиз билан биргаликда ишлаб чиқиб, ўзимиз бир овоздан қабул қилган “Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси”ни ўзимиз оёқ ости қилаётганимизни наҳотки тушунмасак. Ана шу кодекснинг “Шахсий ҳаётга ҳурмат. Шахс шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш” номли 7-моддасидаги тамойил қачонгача паймол қилинади?”

10 | "ТЕМИР ДАФТАР"

БАРАКА ҚАЕРДА БЎЛАДИ?

КАЙФИЯТНИ КЎТАРИШНИНГ
АЖОЙИБ ЙЎЛИ ҲАҚИДА

Норин туманида фақат битта муаммо кўрдик — саноат корхоналари нисбатан кам. Аммо бу бўйича ҳам иш олиб бориляпти. Яқин вақтлар ичида, аниқроғи сентябр ойида ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Norintex" АЖ корхонаси ишга тушиши лозим. Натихада 1200 нафар норинлик иш билан таъминланади. Демак, "Темир дафтар"га тушадиган юк ҳам бироз камаяди.

- Қуёнларни қанчадан олдингиз?
- Ўттиз мингдан.
- Буларни қандай боқишни биласизми?
- Ҳа, сотган одам ўргатди.
- Иссиқдан эҳтиёт қилинг, қуён иссиқни хуш кўрмайди. Салқинроқ ердан жой қилиб беринг.
- Хўп бўлади.

Норин туманига етиб бурганимиз ҳамона гувоҳи бўлганимиз суҳбат шу бўлди. Бир томонда туман ҳокими, иккинчи томонда эса чамаси 12-13 ёшлардаги болакай. Қуёнга қизиқаркан, сотиб олиб кетаётган жойида туман ҳокимига дуч келибди. У ёғига тегишлича маслаҳат. Таъкид жоиз, ҳаммаси асосли.

Бунақа ҳолатларга кейинроқ, кун давомида кўп дуч келдик. Ҳоким Дилмурод Қодиров "темир дафтар"га тушган хонадонларда бўларкан, қуй олганни ҳам, қорамол олганни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Ем-хашак ҳақида сўради, қанча сут бераётгани билан қизиқди. Иссиқхонага нима экилганику, назардан қолгани йўқ. Ҳокимликнинг ўзи кўчатдан тортиб, ўғитгача етказиб бергач, сўроқ-савол ҳам ўз ўрнида бўлиши лозимдир, балки.

— Туманда 163 минг аҳоли яшайди. Экин ерларимиз эса 12 минг гектар. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга мажбурмиз. "Темир дафтар"дагиларга икки сотихдан иссиқхона қилиб берялмиз. Ҳозирча натижа ёмон эмас, — дейди туман ҳокими Дилмурод Қодиров.

Натижа нима сабабдан

ёмон эмаслигини кун бўйи қилган кузатувларимиз кўрсатиб қўйди. Ҳар бир сектор раҳбари, у хоҳ прокурор бўлсин, ИИБ бошлиғи, ёки солиқ раҳбари — қарамоғидаги оилалар иссиқхонага нима экканигача ёдлаб олган кўринади. Ҳосилни қачон олиш, қаерда ва кимга сотишгача айтиб бергач, қаршингизда прокурор ёки ИИБ ходими турганига ишониш ҳам қийин. Айниқса, лимон етиштириш масаласига илмий жиҳатдан ёндошилган. Шу вақтгача лимон тугул, иссиқхона нималигини билмаган одамларга бирдан цитрус мева етиштиришни ўргатиш осон эмас. Шу сабабдан туманда алоҳида курс ташкил этилган. Камбағалликдан чиқарилади-ган оила вакили бу ердаги партада ўтириб, назарий билимни ҳам, амалиётни ҳам ўрганади. Ташқарида тажриба участкаси ҳам бор.

— Муҳтож оилаларга иссиқхона қуриб берган билан иш битмайди. Унга тўғри ишлашни ҳам ўргатиш керак. Синфхонамизда лимончилик илмини эгаллаган кишилар дарс ўтади ва бошқаларга тажрибасини ўргатади, — дейди туман прокурори Бахтиёр Халилов.

Норин туманида фақат битта муаммо кўрдик — саноат корхоналари нисбатан кам. Аммо бу бўйича ҳам иш олиб бориляпти. Яқин вақтлар ичида, аниқроғи сентябр ойида ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Norintex" АЖ корхонаси ишга тушиши лозим. Натихада 1200 нафар норин-



лик иш билан таъминланади. Демак, "Темир дафтар"га тушадиган юк ҳам бироз камаяди.

Ҳозирча эса туманда "Uztex Norin" корхонаси ишлаб турибди. Бу ерда 500дан ошиқ хотин-қизлар иш билан таъминланган.

— Баъзида кайфиятимни кўтариш учун кечки соат олтиларда "Uztex Norin" корхонаси олдига келиб, кузатиб тураман, — дейди туман ҳокими Дилмурод Қодиров. — Кўча дарвозаси олдига автобуслар қатор туриб, эшикларини очиб қўйган бўлади. Иш вақти тугаши билан корхона эшиклари очилади ва ишчилар ёпирилиб чиқишади. Бизнинг туманда шун-

дай катта корхона борлиги ва шунча хотин-қизлар иш билан таъминланганидан хурсанд бўлиб кетаман.

Эндиги мақсад — "Norintex"-ни ишга тушириш. Бу ерда илгари жуда катта фабрика бўларди, касодга учраб, ёпилиб кетган. Энди ишни йўлга қўйиб, тадбиркорга қулай имкониятлар яратиб бериб, янгисини очмоқчимиз. Яна туманимиздаги саноат зонасида ҳам катта-кичик корхоналар қуриляпти, олди иш бошлаб қолган. Шуларнинг барчаси юриб кетса, анча-мунча хонадонга барак кирари.

Зафар ҚОСИМОВ

ҚАЙСИ ТОИФАДАГИ ОИЛАЛАР
"ТЕМИР ДАФТАР"ГА КИРИТИЛАДИ?

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида "Темир дафтар" тушунчаси ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, "Темир дафтар"га эҳтиёжманд оилаларнинг қуйидаги 7 тоифаси киритилди. Жумладан:

- кам таъминланган;
- ногиронлиги бўлган;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож;
- якка-ёлғиз кексалар;
- доимий ишсиз фуқаролар;
- карантин туфайли ишсиз қолган фуқаролар;
- оғир эпидемиологик ҳудудлардан қайтариб келинган фуқароларнинг оилалари.

Юқоридагиларни камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади.

Масъул ходимлар кунлик амалга оширган ишлари юзасидан "Темир дафтар"идаги маълумотларни saховat.argo5.uz сайтига рақамли имзо калити орқали электрон шаклда киритиб боришади. "Темир дафтар"га тушган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини жорий йилда иш билан таъминлаб, шу орқали уларни муҳтожликдан чиқариш чоралари кўрилади.



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

УШБУ СОҶАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Интеллектуал мулк соҳасини янада такомиллаштириш, унинг ижтимоий-иқтисодий тармоқни ривожлантиришдаги улушини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Ҳаракатлар стратегиясида интеллектуал мулк ҳуқуқини таъминлаш бўйича ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ҳар бир йил дастурида интеллектуал мулкнинг илм-фан, маърифат, инновациялар, иқтисодий ва ижтимоий соҳалар тараққиётини таъминловчи омил сифатида алоҳида аҳамият қаратилмоқда.



Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши шуниси билан аҳамиятлики, у бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ҳужжат топширишни соддалаштириш, объектларни рўйхатдан ўтказиш муддатларини қисқартиш, интеллектуал мулк объектлари тезкор экспертизасини ўтказишга хизмат қилади.

Яқинда депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 8 февралдаги ва “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузурдаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 1 июлдаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Лойиҳада интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза бериш жараёнини шаффоф ва очиқ бўлишини таъминлаш мақсадида давлат ахборот тизимлари орқали бевосита талабнома топшириш шаклининг жорий этилиши, Интеллектуал мулк агентлигининг умумий жараёндаги бошқарув ролини янада очиб бериш, Адлия вазирлигининг судгача бўлган орган сифатида апелляция жараёнларини амалга оширишда ваколатини белгилаш ўз ифодасини толган.

Миллий ва халқаро тажрибадан маълумки, иқтисодиёт ва жамиятнинг тараққиёт даражаси кўп жиҳатдан интеллектуал мулкни ривожлантириш билан боғлиқ. Зеро, иқтисодиётдаги самарадорлик ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтироларнинг жорий этилиши эвазига ошади. Шу боис, бугунги кунда интеллектуал мулк ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисмига айланган.

Қайд этиш жоиз, 2019 йили Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 6331та интеллектуал мулк объектлари (2018 йили – 5749та объект), шу жумладан,

товар белгилари – 4096, ихтиролар – 378, фойдали моделлар – 109, саноат намуналари – 169, селекция ютуқлари – 32, ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базалари – 1547 рўйхатдан ўтказилган.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши шуниси билан аҳамиятлики, у бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ҳужжат топширишни соддалаштириш, объектларни рўйхатдан ўтказиш муддатларини қисқартиш, интеллектуал мулк объектлари тезкор экспертизасини ўтказишга хизмат қилади.

Ваҳоланки, интеллектуал мулк соҳасидаги амалдаги қонунларда объектларни рўйхатдан ўтказиш учун тўғридан-тўғри агентликка ариза топшириш кўзда тутилган бўлиб, бу эса ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш имкониятини чеклар эди. Бундай ҳолат коррупция хавфини оширади, рўйхатга олиш жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштиради ва узайтиради. Қонун лойиҳасининг тасдиқланиши эса мазкур тўсиқларни бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.

Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган бўлиб, 10та моддадан иборат. Унда Фуқаролик кодекси, Божхона кодекси, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”-

ги, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.


Албатта, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган давр, қолаверса, пандемия билан боғлиқ вазият давлат ташкилотларининг аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ҳужжатларни қабул қилишни соддалаштиришни муҳим вазифа этиб белгиланмоқда.

Зеро, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини таъминлаш, ортиқча молиявий харажатлардан, турли овозгарчиликлардан халос этиш, шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий этиш бугунги кунда устувор вазифа саналади.

Бахтиёр МАНИЯЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси инновацион ривожланиш, ахборот сийсати ва ахборот технологиялари масалалари техникитаси аъзоси

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА

“МАСЪУЛИЯТНИ БИР ЗУМ УНУТМАНГ!”



“Биз сизлар учун ишляпмиз, сизлар биз учун уйда ўтиринг!” – “Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали жамоасида пандемия эълон қилинган кундан буён фаолияти тезлиги ва сифати ошса ошдики, асло пасайтирилмади. Ҳамма ҳар доимгидек иш ўрнида ишлашда давом этди. Керакли антисептик жамланмалардан 198та, комбинзонлар 137та, салкам 2 мингта ниқоблар, қўйингки, барча антисептик воситалар келтирилиб турилибди. Зеро, пандемия шароитида жуда кўп хизматлар онлайн шаклга ўтиб кетдики, бу ҳар бир масъул ходимдан ўта диққат-эътибор билан ишлашни талаб этмоқда.

Ҳар бир мутахассис ўз ишининг халққа нақадар зарурлигини янада теран англаб, вазифаларини шараф билан уддаламоқда. Ариза ва шикоятлар қисқа фурсатларда ҳал этилмоқда. Хуллас, ҳамма ўз ишини вақтида, сифатли бажаришга даъват этилган. Карантин ваҳимасига берилиш ҳоллари мутлақо юз бермади. Филиал раҳбарияти талаби ҳам шундай – “Масъулиятни бир зум унутманг!”

С.ҲАФИЗОВА

12 | АЛОҚА ОЛАМИДА

ВИРУСЛАР

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА БОШҚА БИР
ВИРУС ҲАМ ҚИМИРЛАБ ҚОЛДИ

Коронавирус хакерларни ҳам икки тоифага ажратиб қўйди: бир тоифаси пандемия ортидан бойиб қолиш дардида, бошқа бир тоифаси эса сукутга чўмган...



Кўпчилик масофадан ишлашга ўтгани учун хакерларнинг уй компьютерлари ва ноутбукларга ҳужумлар кўпайган. McAfee компанияси маълум қилишича, кейинги пайтда энг "кучайган" йўналишлардан бири криптожекинг (мафий майнинг) экан.

Интернетда товламачи дастурлар ҳам кўпайган, қурбонлари сони ҳам шунга яраша. Масалан, NetWalker товламачи дастури орқали хакерлар охириги беш ой ичида ўзгаларнинг 25 миллион АҚШ долларини ўзлаштириб олишди.

NetWalker муаллифлари асло тўхташ ниятидамас — улар транзакциянинг бир ондаёқ автоматик тарзда амалга оширилишига эришди. McAfee экспертларининг таъкидлашларича, бу ҳолат ўша хакерларнинг юқори даражада профессионал эканликларидан далолат беради.

СИЁСАТ

ХИТОЙГА ЖОСУСЛИК ҚИЛГАН SAMSUNG
ХОДИМЛАРИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Samsung Display компаниясининг икки нафар тадқиқотчиси ҳамда унга ҳамкор компаниянинг бир ходими қўлга олинди. Улар Хитой фойдасига жосуслик қилишда айбланмоқда.

Ҳибсга олинган шахсларнинг кимлиги маълум қилинмаган, фақат улардан бири 46, иккинчиси эса 37 ёшда эканлиги айтилмоқда. Жанубий корейлик техногигантга миллионлаб доллар зарар етказганликда айбланаётган бу икковлон ҳам компанияда масъул лавозимларда ишлашган. Учинчи шахс эса Samsung ҳамкори — жиҳозларни ишлаб чиқарувчи компаниянинг директоридир.

Бу ерда гап OLED-панелларни ишлаб чиқаришда Samsung қўлайдиган пурковчи босма технологияси ҳақида кетяпти. Мазкур усул OLED-телевизорлар ишлаб чиқариш таннархини тахминан 20 фоизга пасаитиради. Ҳибсга олинганлар Samsung Display ўтган йилнинг иккинчи ярмидан қўллаб бошлаган ушбу жараён хусусиятларини хитойликларга сотишган.




ТАҚДИМОТ

ЮБИЛЕЙ СУПЕРФЛАГМАНИ —
ХИАОМИ MI 10 ULTRA ТАҚДИМ ЭТИЛДИ!

Xiaomi 11 август куни ўзининг ўн йиллигига бағишланган тақдимот тадбирини ўтказди. Унда корпорация раҳбари Лэй Цзюнь (Lei Jun) нутқидан сўнг маросимнинг бош қахрамони — Xiaomi Mi 10 Ultra смартфонни тақдим қилинди.

Эслатиб ўтамиз, "Хитойча Apple"нинг ўн йиллигига бағишланган флагмени Xiaomi Mi 10 Pro Plus ёки Xiaomi Mi 10s номлари билан атаб келинаётган эди. Хитойда уни Xiaomi Mi 10 Extreme Commemorative Edition деб номлашган бўлса-да, халқаро бозорга Xiaomi Mi 10 Ultra модели сифатида чиқарилади.



Компания лидерининг сўзларига кўра, юбилей моделини муносиб қилиб чиқариш учун унинг дизайни устида анча тер тўкишган. Умуман, Xiaomi ўзининг барча сўнгги технологик ютуқларини шу суперфлагманга татбиқ этган.


ҲАВФСИЗЛИК

ФИРИБГАРЛАРНИНГ
"СЕВИМЛИ" ПАРОЛЛАРИ

Тегиш учун энг осон пароллар — онлайн-фирибгарларнинг "энг сеvimли" пароллари. Бу ҳақда "Прайм" ёзмада.

"Интеллектуальный Резерв" компанияси ҳамкори ва директори Павел Мясоедовнинг таъкидлашича, туғилган кун санаси, исм, телефон рақами ва ҳоказо шунга ўхшаш юзаки маълумотлардан парол сифатида фойдаланиш ярамайди. У ишончли, ҳимояси пухта парол яратишда пароллар генераторидан фойдаланишни маслаҳат берди.

Бундан ташқари, ҳар бир сервис учун алоҳида паролдан фойдаланган маъқул, таъкидлайди эксперт. Айниқса, асосий почта пароли жуда пухта ҳимояланган бўлиши шарт, акс ҳолда, уни бузиб кирган хакерлар учун сиз фойдаланаётган бошқа сервисларга ҳам йўл очилади.



БОЙЛАР

ЦУКЕРБЕРГНИНГ
БОЙЛИГИ 100 МИЛЛИАРД
ДОЛЛАРДАН ОШДИ

Bloomberg хабар беришича, Facebook асосчиси Марк Цукербергнинг бойлиги илк марта 100 миллиард доллардан ошди.

Ушбу рекорд АҚШда катта муаммоларга дуч келаётган Хитойнинг TikTok тармоғига рақобатчи бўлган Reels қисқа видео-сервисининг ишга туширилишидан кейин акцияларнинг қиймати ўсиши билан боғлиқ, дейилади хабарда.

Цукерберг йил бошидан буён пандемия ва ўзини яқкалаш тартибида интернет-трафикнинг кўпайиши ортидан 22 миллиард долларга бойиди.



Тим Кук — янги бой

Apple — дунёдаги энг қиммат компания, капитал қиймати салкам 2 триллион доллар. Бироқ корпорация раҳбари Тим Кук унчалик бадавлат эмас — эндигина миллиардерга айланди.

Apple акцияларининг охириги пайтларда шиддат билан қимматлашиб бориши сабабли бошлигининг бойлиги ҳам миллиард долларга етди. Лекин у барибир сайёраимиздаги энг бадавлат 500 киши қаторига ҳам қўшила олгани йўқ.

Тим Кукнинг сармоёси "астиги" бир миллиард долларга етган бўлса, уч нафар IT-гигант раҳбарлари аллақачон юз миллиард долларлик маррани забт этишган. Булар — Facebook асосчиси Марк Цукерберг (100 миллиарддан зиёд), Amazon бош директори Жефф Безос (190 миллиард доллардан ортиқ) ва Microsoft корпорацияси муассиси Билл Гейтс (120 миллиард доллардан кўп).



БЛОГЕРЛАР

2020 ЙИЛНИНГ
ЭНГ БОЙ ТИКТОК
БЛОГЕРЛАРИ РЕЙТИНГИ
ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Forbes 2020 йилнинг энг бой TikTok блогерлари рейтингини эълон қилди. Рўйхатни тузишда охириги бир йил мобайнида ушбу ижтимоий тармоқ орқали пул ишлаб бошлаганлар ҳисобга олинган.

Рейтингга киритилганларнинг барчаси ёшлар (жами етти нафар) ва улар АҚШ ҳамда Канада фуқаролари. Ҳаммаси ўз блогларида кунгилочар видеоларни жойлаштириб боришади.

Рейтингда биринчи ўринни 19 ёшли Эдисон Рэй (Истерлинг, Луизиана штати, АҚШ) эгаллади. Бу қиз атиги 12 ой давомида TikTok ёрдамида қарийб 5 миллион доллар ишлади. Унинг обуначилари сони 54 миллион нафардан зиёд.

Иккинчи ва учинчи ўринларда ҳам қизлар — лос-анжелеслик опа-сингил Чарли ва Дикси Д'Амелиолар. Чарли 12 ойда 4 миллион доллар ишлаган бўлса, Дикси салкам 3 миллион ишлаган.

Туртинчи ўринда ҳам қиз бола, қолганлари йигитлар...

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

АҚШ КОНГРЕССИДАГИ ДАСТЛАБКИ ИККИ МУСУЛМОН АЁЛДАН БИРИ РАШИДА ТАЛАИБ ЎЗИГА ХОС ОБРЎГА ЭГА

Талаиб ўзи тугилган Мичиган штатида дастлабки сайловларда галаба қозонди ва Конгрессда яна бир муддат қолиш имконини қўлга киритди. Унинг галабасига барча ҳам бирдек ишонмаганди: Рашида Талаиб парламентдаги олдинги фаолияти давомида жуда ҳам кўп иддаоларини гапира олишга муваффақ бўлганди.



Сайловдан сўнг у куттириб ўтирмай истеҳзоли гапириб ўтди: “Мени энг омадсиз ҳисоблашганди, мана энди ишонч билан айта оламанки, мен қоламан. Ва менинг тарафдорларим сафи фақат кенгайиб бораверади”.

Рашида Талаибга жанжаллашиш бегона эмас. Улар унга импичмент эълон қилишмоқчи бўлганларида, Трампни яхшигина ҳақорат қилган. Буни Ҳиллари Клинтон ўзининг сайловолди митингида алоҳида таъкидлаган.

Талаиб нафақат келиб чиқиши фаластинлик биринчи ва Конгрессга сайланган иккинчи мусулмон аёл (Илхон Умардан кейин) сифатида, балки Трампни жуда ёмон кўриши билан ҳам дунёга машҳур бўлди.

Биринчи диплом

Рашида Талаиб АҚШда – фаластинлик иммигрант оиласида 14 нафар фарзанднинг энг тўнғичи бўлиб дунёга келган. Отаси Қуддусда тугилган, аммо оила кургач турмуш ўртоғи билан океан ортига йўл олади ва Детройтдаги “Форд” заводига ишга жойлашади.

Қизалоқ сабрлилиги ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб турар, у нимани исташини ва мақсади йўлида қандай курашишини яхши англади. Рашида мактабга борган вақтида инглиз тилини умуман билмасди. Урта таълимни тамомлагач, у Уэйн университетига ўқиб, санъат йўналишида бакалавр даражасига, кейин эса Фарбий Мичиган университетининг ҳуқуқшунослик доктори дипломига эга бўлди. У оиласидаги нафақат тўлиқ ўрта, балки олий маълумотга сазовор бўлган илк инсон эди.

Ўқишини тамомлаб Рашида дарҳол сиёсат билан шуғулланишга киришди ва тўлиқ олти йил давомида Мичиган штати Вакиллар палатаси аъзоси бўлди. У фаолияти мобайнида бепул тиббий марказ қуриш, ёрдамга муҳтож кексалар учун кўчма озиқ-овқат дўконлари дастурини амалга ошириш ва ўқувчи-

лар учун таълим дастурини молиялаштириш ишларига штат газнасидан миллионлаб доллар ажратилишини таъминлашга эришди.

Безори қиз

2016 йилнинг августида Талаибнинг можаролар марказига тушиб қолгани ҳақида умумжаҳон миқёсида гап-сўзлар пайдо бўлди. Ушанда Доналд Трамп ўзининг сайловолди компанияси доирасида Детройтга келганди. Унинг шарофига клубларнинг бирида тушлик ташкил этилади. Трамп ўз сўзини бошлайди, аммо Рашида тантанали тарзда унинг гапини бўлади.

– Бизнинг фарзандларимиз энг яхшиларига лойиқ! – ғазаб билан қичқирди у ва ортидан Америка Қўшма Штатларининг келажақдаги президентига унинг аёлларга нисбатан шафқатсиз муносабатини эслатиб ўтди.

Ҳеч қандай баҳс-тортишув бўлмади, Трамп кўриқчилари Талаибни дарҳол залдан олиб чиқиб кетишди. Аммо Рашида бу билан тинчимади ва Трамп ҳақида танқидий мақола ёзиб, Детройт аҳолисини унга овоз беришдан эҳтиёт бўлишга чақирди.

Ўзи Конгрессга сайланганидан сўнг, у “энг катта безори”ликни ўз зиммасига олишга тайёрлигини маълум қилди ва албатта Трампнинг Оқ уйда ошқо-

2016 ЙИЛНИНГ АВГУСТИДА ТАЛАИБНИНГ МОЖАРОЛАР МАРКАЗИГА ТУШИБ ҚОЛГАНИ ҲАҚИДА УМУМЖАҲОН МИҚЁСИДА ГАП-СЎЗЛАР ПАЙДО БЎЛДИ.

ра исломофобик риторикаси билан ажралиб турадиган одам эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. “Бу бизнинг мамлакатимизда нафрат ҳаддан ташқари юқорилигини ҳис қилиб турган айни пайтимизда рўй берди”, – деди ўз сайловчиларига Талаиб.

Барчага қарши ёлғиз

Конгрессга биринчи сайланишида Рашида унча қийналмади. Бу 2018 йили содир бўлди. Мичиган штатидаги 13-сайлов округида республикачилардан номзод кўрсатилмади, шу боис Талаиб ўзининг беш нафар демократ ҳамкасблари билан курашишга мажбур



Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

бўлди. Ва у 85 фоизлик натижа билан барчасини енгди!

– Мен адолатсизликлар туфайли, ўзларининг исломий эътиқоди шубҳа остида қолаётган ўғилларим туфайли (Талаибнинг икки ўғли бор) курашишга қарор қилдим. Мен ҳеч қачон бир четда турмаганман, – деди у митинглардан бирида.

Исроиллик бувижон

Талаиб аксарият америкалик конгрессменлардан фарқли ўлароқ, кўплаб муҳим халқаро масалаларда ўзининг нисбатан аниқ позициясига эга. Ҳамкасби Илхон Умар билан у Американинг Исроилга молиявий ёрдам беришига қарши чиқди, шунингдек, бу мамлакатга нисбатан бойкотни ва санкцияларни киритишни ошқора қўллаб-қувватлади. Албатта, у Исроилнинг Иордания Фарбий соҳилини босиб олишини ва у ерда аҳоли тураржойлари қуришини қаттиқ қоралади.

Исроилга қарши қатъий чиқишлари ортидан ўтган йили Исроил ҳуқуқмати Талаиб ва Умарга мамлакатга киришни таъқиқлади. Фақатгина кейинроқ ҳукумат Рашидага унинг қариндошлари ва биринчи навбатда Фарбий соҳилда яшайдиган бувиси билан кўришишга рухсат беришга рози бўлди. Аммо конгрессумен бир шартни илгари сурди: ташриф чоғида у ўзининг сиёсий қарашларини баён қилишга мажбур эмас.

Рухсат олгач, Талаиб чипталарни қайтариб топширди ва шундай деди: – Мен бу каби зулмкор шароитда бувимни зиёрат қилиш ўзим ишонган ҳамма нарсага – ирқчилик, зуравонлик ва адолатсизликка қарши курашимга зиддир, деган қарорга келдим.

Россия Талаиб эътиборига атиги икки марта тушган, холос. Ва шунда ҳам фақат Россиянинг Трампни ёқтирмаслиги призмасида. Биринчи марта конгрессумен Россия ҳақида Трампнинг импичменти муносабати билан гапириб, АҚШ президенти билан Россия билан эҳтимовли келишуви сабабли ҳокимиятдан четлатишни талаб қилди. Аммо айблов исботланмади. Талаиб бу билан чекинмади ва Трамп Америка президенти бўлишга нолоқий бўлгани каби, Америка ҳам Трампнинг эътиборига муҳтож эмаслигини таъкидлади.

– Трамп Россиядаги ишларини тартибга солганидан сўнг, Америкага қайтиб келиши ва бунга қандай амалга оширганини барчамизга кўрсатиб бериши мумкин, – дея хушмуомаллик билан Трампга рухсат берди ўз баёнотида.

Оқ уй раҳбари бундай кўполликка тоқат қилолмади ва ўз Твиттерда Талаибни “1789 йилги Бастилиянинг олиниши кунини муносабати билан Бастилия ўрнига Людовик XVI номидаги аэропортга ҳужум қилган ҳақиқий кўзғолончилар”га қиёслади.

Талаиб давлат раҳбарининг бу нозик ҳазилини баҳоладими ёки йўқми номаълумлигича қолмоқда.



Тонг сахардан бошлаб осмонда булутлар югургилаб қолди. Этни жунжиктирувчи совуқ шамол эсар, унинг таъсирида саргайган нимжон япроқлар бандидан узилар, ҳавода чарх ура-ура ерга тушарди. Дарахтлар таги қалин барги-хазон билан қопланган эди. Бир гала қарға қағиллаганча номаълум тарафга учиб кетди. Қишлоқ уйлари узоқдан бири-бирига ёпиштирилган гугурт қутиларига ўхшаб кўринар, уларнинг кўримсиз эшик ва деразалари муваққат яшаш учун наридан-бери қурилган маскани эслатарди.


Худодод чаққон ва дадил қадам ташлаб борар, вужуди-га тоза куч қуйилаётганини ҳис қилмоқда эди. У водий бўйлаб йироқ-йироқларга чўзилиб кетган, ёмғирдан нам йўлдан борарди. Совуқ шамол унинг баданини эркалаб сийпаётгандек ҳис қиларди. Назарида дарахтлар рақс тушар, қаргалар шодлик муждасини олиб келар, хуллас, бутун табиат унинг шоду хуррамлигига шерик эди. У гўё йўқотиб қўйишдан кўрққандек, қўлтигидаги қалами тугунни маҳкам қисиб олган эди.

“Аслида ҳам, агар Аббосдай деҳқончилик қўлидан келмайдиган бетайин кимса унга ворис бўлса, аждодлари руҳлари қай ҳолатга тушадди? Бунинг устига, у ўз кулбасидан паноҳ берган, едириб-кийдириб катта қилган, мисоли дарахт ниҳоли каби парваришлаб одам қилган қизга аллақердаги бир одам тайёр ошга баковул бўлиб ўтирса!”

Худодод олтмиш ёшлардаги суяги бузуқ одам. Қомати баланд, соқол-мўйлови мошранг, кўзлари ёш йигитникидай чақнаб туради. Эгнида деҳқонлар кийими ва бошида сарғиш намат теллак. Ҳар қадам ташлаганида чолворининг почаларидан офтоб ва меҳнатдан қорайиб ёрилган болдирлари мўралаб қоларди. Йигирма йил илгари у ўз шаҳри Дамовандни тарк этиб, гўшанишликни ихтиёр қилди. Мозандарон йўли яқинидаги Ало номли булоқ ёнида у тош ва лойдан ўзига бир кулба тиклади ва ўшандан бери шу ерда ёлғиз яшайди. У ўз қўли билан ер чопар, суғорар, экин-тикин қиларди. Бу иш билан вақтида ота-бобоси, эҳтимол, бошқа узоқ аждодлари ҳам шугулланишган. Ўзига мерос қолган ернинг ярмидан кўпрогини у қаҳатчилик йилларида сотди, тўғрироғи, унга алишди. Энди унинг бир парчагина ери қолган бўлиб, шундан олинадиган озгина ҳосил билан тиркичилик қилади.

Сўнгги икки-уч йилда Худодод атроф қишлоқлар ва Дамованд бозорида тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Унинг зоҳидлигига кўниккан одамлар бу ўзгаришдан ажабланишарди. Худодод аёлларбоп либос учун газлама, қанд, чой ва бошқа майда-чуйдалар харид қиларди. Баъзан унинг тоғ ёнбағирларида бир ёш лўли қиз билан етаклашиб юганини ҳам кўриб қолишарди.

Тўрт йил илгари, аёз темир бармоқлари билан одамнинг юзини чимчилайдиган совуқ қиш тунларидан бирида, Худодод чироқни ўчириб, эндигина ўрнига ётудди ҳамки, ғалати бир овоз қулоғига чалинди: гўё кимдир заиф товуш билан нола қилар, унинг инсон ё ҳайвонлигини ажратиш мушкул эди. Товуш тобора яқинлашиб келарди ва ниҳоят, кулба эшиги тақиллади. Инсу жин ва бўридан ҳам кўрқмайдиган Худодод ўрнидан тураркан, елкасидан совуқ тер чиқиб кетганини сездди. Эшик олдида келиб, “кимсан, нима керак сенга?” деб қанча сўрамасин, ҳеч қандай жавоб бўлмади. Худодод титроқ қўллари билан чироқни ёқди, ўтин ёрайдиган болтани маҳкам ушлаб, эшикни ланг очиб



Ҳикоя

юборди. Не кўз билан кўрсинки, эшик олдида қизил кўйлак кийган, аёздан кўз ёшлари ёноқларида музлаб қолган ёшгина лўли қиз турарди. Худодод болтани кулба бурчагига отиб юборди, қизни қўлидан ушлаб ичкарига олиб кирди. Уни ўчоқ ёнида исинишга қўйиб, ўзи эски-тускилардан тўшак ҳозирлади.

Эртасига эрталаб қиздан қанча сўраб-суриштирмасин, бирон натижа чиқмади. Гўё қиз ўзи ҳақида чурқ этмасликка қасам қилгандай. Қизнинг индамаслиги Худододнинг унга Лол ёки Лолу деб исми қўйишига сабаб бўлди. Бора-бора бу исм Лолага айланиб кетди.

Ҳозир лўлилар кўчиб юрадиган мавсум эмасди. Шунинг учун Худодод бу қизча осмондан тушди ё ердан чиқди, деб ҳайрон бўларди. У кулбадан чиқиб, из олмоқчи бўлди, аммо из намчил баргиҳазон орасида йўқолиб кетди. Ало булоғи яқинида яшовчи тегирмончидан лўлилар ҳақида сўраган эди, у, билмайман дегандек, елкасини қисди. Ниҳоят, Худодод то эгаси чиқмагунча, қизни ўзиникида асраб қолишга аҳд қилди.

Лола ўн икки ёшлардаги қиз бўлиб, юзи бугдойранг, кўзлари фусункор эди. Қўллари ва пешонаси ўртасига кўк рангли хол қўйилган. Қизни асраб қолганидан сўнг, Худодод ўтган-кетган лўлилардан унинг қариндошлари ҳақида кўп сўраб-суриштирди. Аммо биронта лўли Лолани танийман, демади. Тез орада Худодод ўзи унга ўрганиб қолди. Уни ҳеч кимга бермасдан, ўзига фарзанд қилиб олишга аҳд қилди...

Лола йил сайин улғайиб бораркан, бора-бора Худододнинг кўнглида қизга нисбатан аллақандай бошқача, оталик туйғусига ўхшамаган ҳислар уйғона бошлади. Энди у Лолага бир эркак севгиси билан меҳр қўйган эди. Ишқ вазвасасига дучор бўлган Худодод хонанинг ўртасига парда осиб қўйди. Энг ёмони шу эдики, Лола уни “ота” деб қақирар, қиз ҳар гал “ота” деганида, Худододнинг ранги ўзгариб кетарди.

Бир куни Худодод уйига қайтганида кулба олдида юрган иккита товуқни кўрди. У Лолага ўғирлик ёмонлиги, бу ишни қилган одам ўз қилмиши учун дўзах ўтида ёнишини айтиб, ҳарчанд насиҳат қилди ҳамки, қизга заррача таъсир этмади. У айёрона

қулимсираб, гапни бошқа тарафга бурди.

Лола сайр қилишни жуда ёқтирар эди. Агар икки-уч кун тинимсиз ёмғир ёғиб, уйга узоқ қамалиб қолишга мажбур бўлса, зерикар ва қиёфаси гамгин тус оларди. Об-ҳаво яхши кунлари у Худодод билан ёки ёлғиз ўзи сайр қиларди. Кўпинча Лола сайрга таңҳо чиқар ва бу ҳол Худододнинг бадгумонлигига сабаб бўларди. Чунки у қизни бир неча бор чўпон йигит Аббос билан кўриб қолган, шу сабабли бу йигитни ўзига рақиб деб ҳисобларди. Ҳатто бир куни у Аббоснинг маймунжон териб, Лоланинг оғзига солаётганини кўрди. Кечқурун Худодод бегона эркак билан гаплашиш ёмон эканлигини айтиб, унга дашном берди. Лоланинг кўзларида ёш йилтиллаб бошлагач, қишлоқ одами эмасми, содда юраги юмшади.

Аббоснинг онаси икки марта совчиликка келиб, Лолани ўлгига сўради. Худодод ҳар гал Лола ҳали ёш, деб баҳона қилиб, уни қайтарар эди. Ўз кўнглида эса Аббосдай бир дангаса одам унинг эллик йил ичида қириб-қиртишлаб тўплаган мулкига меросхўр бўлишини истамас эди. Аслида ҳам, агар Аббосдай деҳқончилик қўлидан келмайдиган бетайин кимса унга ворис бўлса, аждодлари руҳлари қай ҳолатга тушади? Бунинг устига, у ўз кулбасидан паноҳ берган, едириб-кийдириб катта қилган, мисоли дарахт ниҳоли каби парваришлаб одам қилган қизга аллақердаги бир одам тайёр ошга баковул бўлиб ўтирса! Нима, кекса одамнинг кўнгли қирмизи олма тусамайдими? Лолага ўзи уйланса нима бўпти?! Бироқ у бу иш осонгина битмаслигини, қизнинг розилиги шарт эканлигини англади. Бунинг устига қиз уни “ота” деб қақирш одатини тарк қилмаган, ҳаммасидан ҳам мана шуниси Худододни кўпроқ тавишга соларди.

Тунлари қиз ухлаб ётганида, Худодод чироқни кўтариб унинг тепасига келар, юзи, кўкраги, елкаларини томоша қиларди. Баъзан у девона каби тоғларга чиқиб кетар, дараларда бемақсад тентираб, кеч кирганда уйига қайтиб келарди. У умид ва кўркув оралиғида яшар, рад жавобини эшитишдан кўрққани учун қизга мухаббатини изхор қилишга ботинолмасди. Агар Лола: “йўқ, сен қарисан” деса, унга ўлимдан бошқа чора қолмас эди.

Худододнинг уйи олдида бир тош супа бўлиб, Лола кўпинча унда оёқларини осилтириб ўтирар, очиқ болдирлари супа деворига тегиб турарди. Баъзан у паст ва гамгин овозда бир ашулани хиргойи қилар, аммо биров яқинлашса, дарҳол жимиб қоларди. Худодод тасодифан қизнинг ашуласини эшитиб қолди ва ўшандан бери уни яна тинглашга мушток эди.

Бугун эрталаб Худодод Дамовандга отланганида ҳам Лола ўша тош супада ўтирар ва ҳар кунгидан кўра кўпроқ хурсанд кўринарди. Аммо негадир, бирга шаҳарга боришни истамасди. Худодод унга:

– Сенга рўмол олиб келаман, – деди.

Унга жавобан қиз жилмайиб қўйди ва бу жилмайишнинг баҳоси Худодод учун ёруғ дунё билан баравар эди.

(Давоми бор)

Фулом КАРИМ таржимаси



ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА

Сўнги йилларда суд-ҳуқуқ тизими соҳасини янада такомиллаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, судга мурожаат қилувчи ҳар бир шахннинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш қораларини кучайтириш, одил судловни таъминлаш, суд ҳокимиятини чинакам мустақил органга айлантириш билан боғлиқ бир неча фармон ва қарорлар қабул қилиниб, мазкур соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 24 июл куни Президентимиз томонидан "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги яна бир фармон имзоланди. Мазкур фармонга кўра, вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлари бирлаштирилиб, уларнинг негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда ягона умумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланди. Шунингдек, илгор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда республикада самарали маъмурий одил судлов тизимини яратиш кўзда тутилди. Бунда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиб ва туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилиб, уларнинг негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманларо маъмурий судлар ташкил этилиши белгиланди. Бундан ташқари, прокурорнинг судда иш кўрилиши жараёнида иштирок этиш тартиби илгор халқаро стандартларга мослаштирилиши белгиланди. Жумладан: прокурор суд жараёнида айбловдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, прокурор томонидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан ишни ўрганиш учун қақариб олиш, прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида ўз ташаббуси билан иштирок этишини чегаралаш тартибини жорий қилиш кўзда тутилди.

Шунингдек, тегишли туман (шаҳар) аҳоли сонидан ва судларнинг ҳақиқий иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тўртта туман иқтисодий судлар, яъни Амударё, Нуробод, Бойсун ва Пастдарғом иқтисодий судлари тугатилиши, бешта туман фуқаролик судлари – Янгийўл, Ургут, Сўх, Хатирчи ва Пахтакор фуқаролик судлари ташкил этилиши, тўртта туман жиноят судлари, яъни жиноят ишлари бўйича Бўзатов, Тахиятош, Бандихон ва Тупроққалъа судлари ташкил этилиши белгиланди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги рўй бераётган барча ислоҳотлар – фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлашга, судлар фаолиятини такомиллаштиришга ҳамда одил судловни самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Одилбек ИЛҲОМЖОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар
Миробод туман судининг судяси

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАНИ ОФИР ЖУДОЛИККА УЧРАДИ

Материалшунослик физикаси, илмий асбоб-созлик ва микроэлектрон техникаси соҳасида танилган йирик олим, академик Телман Ражабов 85 ёшида вафот этди.

Телман Ражабов 1935 йили Самарқандда туғилган, Бауман номидаги Москва олий техника билим юртини тугатган (1959 йил). Ўзбекистон ФА Ядро физикаси институтида муҳандис, кичик илмий ходим (1959-1965-йиллар), Физика-техника институти (1969 йилдан Электроника институти)да бош муҳандис, катта илмий ходим, лаборатория мудири (1966-1986 йиллар) бўлиб ишлаган.

Шунингдек, у Илмий асбобсозлик марказий лойиҳалаш-конструкторлик бюроси директори (1986-1992 йиллар), Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) ректори (1992-1998 йиллар), шу университет қошидаги Марказий Осие телекоммуникациялар ўқув маркази директори (1998-2001 йиллар), ТАТУда кафедра мудири лавозимларида фаолият юритган.

Истеъодли олим элементар зарралар физикаси, вакуум техникаси ва физикаси, плазма физикаси, космик кемалар ва йўлдошларни фаол электростатик муҳофазалаш, коррозияга қарши қопламалар олиш ва махсус ион манбалари яратиш, турли



материаллар ва қопламалар сиртини физик-кимёвий модификациялаш масалалари ва бошқа кўплаб йўналишларда илмий ишлар қилган.

Телман Ражабов раҳбарлигида халқ хўжалиги эҳтиёжлари (мева ва сабзавотларни вакуумда суб-лимацион усулда ҳамда биологик препаратларни лиофил усулда қуриштириш ва бошқалар) учун санаят қурилмалари яратилди. Академик 2003 йили "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланган.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда "Қадринг баланд бўлсин, она тилим" шиори остида Республика танловини эълон қилади

Танловнинг асосий мақсади ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилини миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш, унга нисбатан миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш, тилимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, яна муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашувни ривожлантиришдан иборат.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар аҳоли ҳамда ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ижтимоий фаоллиги ва миллат тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш, китобхонлик маданияти, ёзма ва оғзаки саводхонлигини ошириш, ёш авлодда ўзбек тилига нисбатан миллий ғурур ҳиссини шакллантириш, улар қалбида умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиромни тарбиялашга, шунингдек, ижодий ишларда чет эллардаги ватандошларимиз ва ўзбек тилини севувчи хорижликларнинг ўзбек тилига муҳаббати ва эътиборини намойиш этиш, ўзбек тилининг амалдаги халқаро мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

Ўзбек тилининг амалдаги мавқеини мустаҳкамлаш, шунингдек, давлат тилига оид муаммоларни ҳам этишга кенг жамоатчиликнинг ижодий ёндашувини ривожлантириш; таълим муассасалари, давлат идоралари, меҳнат жамоаларида намойиш этиш ҳамда халқ орасида кенг оммалаштириш учун ўзбек тили ва адабиётига доир ижодий ишлар жамланмасини яратиш; иқтидорли ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш, уларнинг давлат тилини тарғиб қилувчи ижод намуналарини рағбатлантириш ва оммалаштириш танловнинг асосий мақсадларидир.

ТАНЛОВ ҚЎЙИДАГИ НОМИНАЦИЯЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

1. *Энг яхши бадиий асар (шеърый асар – 30 мисрагача; насрий ҳикоя – ҳажми 3600 босма белгигача).*
2. *Энг яхши публицистик мақола (очерк, лавҳа – ҳажми 5400 босма белгигача).*
3. *Ўзбек тилининг хориждаги энг яхши тарғиботи (ўзбек миллатига мансуб ёки чет эл фуқаролари томонидан яратилган хорижда ўзбек тилини тарғиб қилишга қаратилган илмий, бадиий, мусиқий асарлар ҳамда аудио, видео маҳсулотлар).*
4. *Энг яхши ижтимоий роликлар (аудио, видеороликнинг давомийлиги 3 дақиқাগача).*

Танлов голиблари пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Энг намунали, ғоявий-бадиий пишиқ ижодий ишлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилади.

Ижодий ишлар шу йилнинг 20 сентябрига қадар "Қадринг баланд бўлсин, она тилим" сарлавҳаси остида info@til.gov.uz электрон почтаси ёки @tiluz_Bot телеграм манзили орқали онлайн қабул қилинади.

Танлов юзасидан қўшимча маълумотларни www.til.gov.uz, www.manaviyat.uz сайтлари ҳамда Республика Маънавият ва маърифат марказининг танлов бўйича масъул ходимлари Мўхтарома Улугова (99 847-69-41), Дилмурод Дўстбеков (97 752-33-99) билан телефон орқали боғланиб олишингиз мумкин.

16 | ОГОҲ БЎЛИНГ!

Яқинда ижтимоий тармоқларда Ўзбекистонда махфий кодлар воситасида Telegram фойдаланувчиларининг akkaунтларига кириб, шахсий маълумотларни ўғирлаш ёки akkaунтни қайтариб бериш эвазига мўмай пул ишлашга уринаётган мобил фирибгарлар пайдо бўлган ҳақида хабарлар тарқалди. “Ўзкомназорат” давлат инспекцияси шу масала юзасидан расмий муносабат билдирди.



АККАУНТИНГИЗНИ ФИРИБГАРЛАРДАН ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Фирибгарлик схемасига кўра, фойдаланувчига мобил алоқа операторининг расмий рақамидан кўнгироқ қилиниб COVID-19 коронавирус инфекцияси ҳақида ўта содда ва жавоби осон саволлар бериладиган қисқа викторина ўтказилади. Ғолибга пул ўтказиб бериш ваъда қилинади. “Ўлжа” ютугини олиши учун Telegramга келган махфий кодни айтиши лозим. Мессенжерга келган сирли рақамни айтиш, фирибгарларнинг akkaунтга кириб олишига шароит яратди. Блогер ёки канал администраторининг akkaунтига кириб олган фирибгар у ердаги маълумотларни ошкор қилмаслик учун пул талаб қила бошлайди. Оқибатда ўзини викторина ғолиби бўлдим деб ўйлаган фойдаланувчи фирибгарлик қурбонига айланади.

Мутахассислар тавсиясига кўра, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун Telegramда икки томонлама аутентификацияни ўрнатиш зарур. Бу Telegramдан келган махфий рақамдан ташқари akkaунт паролини ҳам киришни сўрайдиган химоя тизими.

телефона” бандини босасиз.

Ўз телефон рақамингизни қимларга кўрсатиш мумкинлиги “Кто видит мой номер телефона?” бандида белгиланган; афтидан, сизда “Мои контакты” белгиланган бўлса керак. Бу ҳолатда пастдаги блокда иккита бандда истиснолар рўйхати бўлади: рақамингизни ҳаммиша кўриши мумкин бўлган ва ҳар қандай ҳолатда ҳам кўра олмайдиган юзерлар.

Агарда худди шу “Кто видит мой номер телефона?” бандида “Никто”ни белгилаб қўйсангиз, пастда кўшимча блок пайдо бўлади. Унда “Все”ни танласангиз, шу пайтгача сизнинг телефон рақамингизни ўз телефони контактларига қўшиб қўйганлар рақамингизни Telegramда ҳам кўра олишди. Бордию бу блокда “Мои контакты”ни белгилаб қўйсангиз, ҳатто рақамингизни ўз телефонида сақлаб қўйган танишларингиз ҳам, токи уларни Telegramда ўз контактларингиз сафига киритмасангиз, бу мессенжерда сизни топа олишмайди. Бу эса сиз учун Telegramда юқори даражадаги махфийлиكنи таъминлайди.

ба тарзида ўз профилини шунақа номлаб кўрган. Орадан бир неча дақиқа ўтибоқ унинг akkaунтини Telegram блоклаб ташлаган.

– Аккаунтим йўқолиб қолди, энди унга кириб бўлмаяпти – “телефон рақами блокланган” деган хабар чиқиб қоляпти. Уни блокдан чиқариш усуллари ва имконияти ҳақида маълумот ҳам берилмаган, – дейди фойдаланувчи.

“Медуза” тахририяти Telegram қўллаб-қувватлаш хизмати билан боғлиб, мессенжер шунақа номли akkaунтларни блоклаши ҳақида сўраганида, аниқ жавоб беришмаган. Лекин улар, ўз профилини “Избранное” ёки “Saved Messages” шаклида ўзгартириб кўрмаган маъқул эканлигини айтиб огоҳлантиришган.

Афтидан, бундай akkaунтларни блоклаш Telegram мессенжериде пайдо бўлган фирибгарлик билан боғлиқ. Унинг схемаси бунақа бўлган: фирибгарлар турли кишиларга “Saved Messages” номли akkaунтдан ёзиб, дарров ўчириб юборишади. Кейин ўша фойдаланувчи бирор маълумотни “Танланганлар”га юбориб сақлаб қўймоқчи бўлганида, рўйхатда ўша “Saved Messages” ҳам кўринади. Билмасдан унга шахсий маълумотларни, бирор махфий файлни юбориб қўйиш ҳеч гапмас.

Биз ҳам фойдаланувчиларимизга ўз профилини бунақа номлаб кўрмаслигини тавсия этамиз. Шунингдек, сўнги кунларда Ўзбекистонда Telegram-akkaунтни фирибгарлик йўли билан кўлга киритишга уринишлар учраётгани ҳақидаги хабарлар ва бундан химояланиш усули ўргатилган йўриқномалар билан ҳам танишиб қўйганингиз маъқул.

Телефон рақамингизни

яшириш йўлини ўрганиб олинг

Ўзбекистонда жуда оммабоп бўлган Telegram мессенжериде ўз телефон рақамини бутунлай яшириш йўриқномаси борлигини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Ҳа шундаки, энди сизнинг контактларингиз рўйхатида бўлган ва сизниям ўз контактларига қўшиб қўйган кишидан ҳам телефон рақамингизни яширишингиз мумкин. Бунинг учун мессенжернинг созулмаларига кириб, “Конфиденциальность” бўлимига ўтасиз ва “Номер

Никларни асло ишлата кўрманг!

Telegramда рақамингиз ўрнига ўз профилингизга ник ўрнатишда ҳам эҳтиёткорона ёндашиш зарур.

Маълум бўлишича, Telegram маъмурияти ўз профилига “Избранное” ва “Saved Messages” каби никнеймлар қўйиб олганларни блоклай бошлаган. Бу сўзлар аслида маъкур мессенжерда ҳар бир фойдаланувчига тақдим этилган “Танланганлар” функциясининг, яъни – “ўз-ўзи билан суҳбат” чатининг номи эканлигини биласиз.

Бу ҳақда хабар берган “Медуза” наشري мухлисларидан бири тажри-

ТАДҚИКОТ

**КУЗДА ТУГИЛГАНЛАР
УЗОҚ ЯШАЙДИ**

Бу башорат эмас, балки биологик қонуниятдир.



Биологлар инсоннинг туғилган ойи уларнинг соғлиғига ва натижада умрига ижойиб таъсир қилишини аниқлашди. Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида, энг кўп умр кўрувчилар – кузда туғилган одамлар орасида ва энг кам яшовчилар эса баҳорда туғилганлар орасида кузатишган, деб ёзади medikforum.ru. Эҳтимол, бу онанинг организми баҳорга нисбатан кузда витаминларга кўпроқ тўйингани билан боғлиқ, деб ҳисоблашмоқда. Ва кузда ҳавода баҳордагидек чанг бўлмайди, бу эса тананинг алергик реакциялари хавфини камайтиради.

Шунингдек, кузда туғилган болаларнинг мактабда ҳам муваффақият қозониш эҳтимоли кўпроқ. Бундан ташқари, ҳаёт давомийлиги инсоннинг генетикаси ва кайфиятига ҳам боғлиқ. Оптимистларнинг пессимистларга қараганда узоқроқ яшаши исботланган.

САЛОМАТЛИК

ДУККАКЛИЛАР

**ДИАБЕТ ВА ЮРАК
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ**

Канаданиннг Гуэлф университети тадқиқотчилари қонда қанд миқдорини камайтириш орқали диабет ва юрак касалликлари хавфининг олдини олишга ёрдам берадиган махсулот номини маълум қилишди. Бу оддий дуккаклар бўлиб чиқди, деб ёзади Food News наشري.

Олимларнинг таъкидлашича, дуккаклар қонда холестерин даражасини камайтириш ҳисобига юрак хасталиклари хавфини бартараф этиши мумкин. Гликемия индекси пастлиги туфайли дуккаклар диабетнинг олдини олиб, қонда қанд миқдорини меъёрлаштиради. Бундан ташқари, оқсил ва клетчаткага бой дуккакли махсулотлар вазнини назорат қилишга ёрдам беради.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикрларидан фарқланishi мумкин. Наҳримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоши келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй
(мулк: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслидин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Муҳиддин СОЛИЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилди вақти — 24.00.